



**Ўзбошимчалик билан эгалланган ер ўзингизники бўлади, агар...**

I ва II гуруҳ ногиронлари, олдинги "акция" вақтида йўғим тўлаган шахслар тўловдан озод қилинади.

3-с.

**Меҳр кўнгилга малҳам, танга дармон бўлади**

Ижтимоий ходим қачонки ўзининг касби ва қилаётган ишига меҳр қўйса, ўзгариш ва олдинга силжиш бўлади.

7-с.



ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

2024 йил  
27 АПРЕЛЬ,  
ШАНБА

# Маҳалла

№23  
(2161)

WWW.UZMAHALLA.UZ

**БУГУНГИ  
СОНДА:**

**Ёшларнинг қандай муаммоси бор?**

Таклифим — юртимизнинг барча ҳудудда ёш тадбиркорлар учун профессионал консалтинг хизматини йўлга қўйиш керак. Ёшларни назарий ёки бизнес тренерлар эмас, балки тажрибали тадбиркорлар, банк ходимлари, ҳисобчи, маркетинглар ўқитсин, устозлик қилсин. Ўқиганлик ҳақида сертификат берилсин.

4-с.

**Маблағ бўлса, маҳалланинг "қўли калта" бўлмайди**

Эндиликда фуқароларнинг тўй ва дафн маросимлари-га моддий ёрдам бериш, меҳнат фахрийларини сихатгоҳларга юбориш, соғлиқларини тиклашига кўмаклашиш каби ишларни маҳалла доирасида амалга ошириш фурсати келди, чамамда. Маҳалла ана шу ваколатларни амалга ошириши керак.

5-с.

**Худуд қачон жиноятчиликдан холи бўлади?**

Қачонки, ишсизлар бўлмаса, аҳоли даромади юқори бўлса. Шу боис "маҳалла еттилиги" билан ҳамкорликда йўналишларимиздан келиб чиқиб, аҳоли бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратаймиз. Натижада фойдали меҳнат билан банд бўлган 124 нафар фуқаро ишга жойлаштирилди.

6-с.

**Бу сеники, бу меники, деган билан иш битмайди**

Одамларнинг ўз турмушдан рози яшаши, жамиятга фойдаси тегиши учун фаолиятимизда "маҳалла еттилиги"нинг ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этади. Зеро, ҳар кимнинг ўз вазифаси бўлишига қарамай, ҳал қилиниши керак бўлган масалалар бир-бири билан чамбарчас боғланган. Бу меники, бу сеники тарзида тақсимлаш билан муаммони ечи бўлмайди.

8-с.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатиң!

@mahalla\_raislari  
@mahalladosh\_1  
@mahalladosh

Газетанинг телеграмдаги «uzmahallabot»га ўтиш учун QR-кодни сканерланг!



**Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси Қаҳрамон Қуронбоев Тошкент шаҳридаги маҳалла раислари билан очиқ мулоқот қилди.**



Уюшма раиси билан мулоқот очиқ, самимий ва самарали бўлди.

2-с.

## Мақсад аниқ, маслақлар бир, ҳаракатлар муштарак

**ИШЧИ ГУРУҲ**

**Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси Қаҳрамон Қуронбоев Бухоро вилояти маҳаллаларида бўлиб, йиғинларда амалга оширилаётган ишлар билан танишмоқда.**

Ғиждувон туманидаги Абдулла Қаҳҳор номи маҳаллада "еттилик" фаолияти таҳлил этилиб, ҳар бир масъулнинг функционал вазифалари яна бир бор тушунтирилди, уларга яратилган имкониятлар кўздан кечирилди. Мулоқотда маҳалла аҳолисининг мурожаати, уларнинг муаммолари ечимсиз қолмаслигини алоҳида назоратга олиш "еттилик"нинг асосий вазифаси экани таъкидланди. Миграциядан қайтган фуқаролар билан

ишлаш, уларнинг бандлигини таъминлаш масалалари кўриб чиқилди. Ёшларни чет тилларига ўқитиш, касб-хунар ўргатиш ҳамда уларга ер майдонлари ажратиш бўйича тегишли топшириқлар берилди. "Маҳалла еттилиги" аҳоли хонадонларига бориб, томорқа маданияти, ундан самарали фойдаланиш ҳамда қўшимча даромад манбаи яратиш бўйича ишларни назорат қилиши кераклиги уқтирилди.

Ўрганишлар давомида шу маҳаллада яшовчи кулол Нарзуллаевлар хонадонига ташриф буюрилди. Оиланинг қўл меҳнати намуналари катта таассурот қолдирди.

**Ромитан туманида "маҳалла еттилиги" билан учрашув ўтказилди.** Учрашувда маҳаллаларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, аҳолини қийнаётган муаммоларни ўрганиш ва ҳал этиш, эҳтиёжманд оилаларни қамбағалликдан чиқариш, хотин-қизлар ва ёшлар бандлигини таъминлаш, нотинч оилалар билан ишлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳолати таҳлил қилинди.



Давоми 2-саҳифада.

## "Ҳамжиҳат бўлсак, бажариб бўлмайдиган вазифалар қолмайди"



**МАНЗАРА**

**Президент Шавкат Мирзиёев жорий йил 9-10 апрель кунлари Жиззах вилоятига ташрифи доирасида маҳалламизда бўлиб, аҳолининг яшаш тарзи, томорқадан фойдаланиш маданияти, бандликни таъминлаш борасидаги ишлар билан танишди.**

Давлат раҳбарининг ҳудудларга, айниқса, маҳаллаларга ташрифини диққат билан кузатаман. Хусусан, Хонобод шаҳридаги "Янгиҳаёт", Хива туманидаги "Истиқлол", Сайхунобод туманидаги "Иттифок", Яққасарой туманидаги "Дилбулак", Уйчи туманидаги "Қумтепа" маҳаллаларига ташриф давомида ўзига хос тажрибалар йўлга қўйилди. Уларни ўз ҳудудимизда жорий этишга ҳаракат қилаймиз.

Маҳалламизда 3 700 нафардан ортиқ аҳоли яшайди. Худуд "яшил" тоифада, бу дегани — жиноятчилик, ишсизлик, ажралишлардан холи. Маҳалла обод қилинган, йўл четлари ва бўш майдонларга "Яшил макон" дастури доирасида

қўчатлар экилган. "Лалмикор" деҳқончилик ва чорвачиликка ихтисослашган. 668 та хонадоннинг барчасида томорқа бор. Шунингдек, аҳолига деҳқончилик қилиш учун 126 гектар ер ажратилган.

Томорқа ва деҳқон хўжаликларига янги захираларни ишга солиш, бозорбоп маҳсулотлар етиштириш чоралари кўрилмоқда. Бу борада намунали томорқачи Абдуҳошим Аҳмедов хонадонига амалга оширилган ишлар таҳсинга лойиқ. Кафтдеккина ҳовлида иссиқхона ташкил қилиниб, лимон экилган. Ҳовлида 4 қути асалари, қорамол, қўй, шунингдек, 100 дан ортиқ бройлер жўжалар боқилмоқда. 10 хил турдан зиёд мевали дарактлар, қўқат, зиравор ва бошқа экинлар дид билан экилган. Беш кишидан иборат оила аъзолари улардан унумли фойдаланиб, йилга 200 миллион сўмдан ортиқ соф даромад қилмоқда.

Давоми 2-саҳифада.



Президент Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Президенти Қасим-Жомарт Тоқаев билан ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ мулоқот қилди.



Шавкат Мирзиёев 2024 йил 22 апрелдан қисқа муддатли МЕҲНАТ ТАБТИЛИга чиқди.



Президент топшириғи билан Ўзбекистондан афғон халқига навбатдаги ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ етказилди.

# Ечимини топмайдиган муаммо маҳаллада бўлмаслиги керак

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Ўтган вақт давомида йиғинларнинг "Маҳалла баланси" шакллантирилди, "Омбор дафтари" тузиб чиқилди. "Маҳалла бюджети" тизими йўлга қўйилиб, муаммоларни маҳалланинг ўзида ҳал этиш имконияти яратилмоқда. Шу билан бирга, маҳалла ходимлари сафига тажрибали, малакали ходимлар жалб этилди.

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ташаббуси билан ташкил этилган тadbирда "маҳалла еттилиги" фаолияти, уларга берилган ваколатлар, раислар олдига қўйилган вазифалар ҳақида маълумот берилди. Уюшма раиси Қаҳрамон Куронбоев тизимдаги ўзгаришлар, маҳаллага қаратилаётган эътибор, "еттилик" вакилларига берилган имкониятлар тўғрисида сўз юритди.

Учрашувда маҳалла раислари ўзларини қийнаётган, ўйлантираётган масалалар бўйича мулоҳазаларини билдирди, тизимга оид тақлифларини айтди. Хусусан, Мирзо Улуғбек туманидаги "Катта Қорасув" маҳалласи раиси Наима Жабборованинг айтишича, раисларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш керак.

Раисларга санаторийларга йўлланма берилиши мақсадга мувофиқ. Зеро, шу вақтгача бу борадаги ишлар тизимли йўлга қўйилмади, раисларнинг соғлиғини тиклашига зарур шароитлар яратиш лозим.

Маҳалла раисларининг қайд этишича, маҳалла марказида бўш турган хоналарни ижара беришдан тушган пуллар тўлиқ маҳалла ихтиёрида қолиши лозим. Солиқ имтиёзлари берилса, аяни муддао бўларди. Қолаверса, маҳалла ходимларининг табелини юритишни

Биринчи чорада келиб тушган аҳоли муурожаатларининг 64 фоизи айнан маҳаллаларнинг ўзида ечим топапти.

тартибли йўлга қўйиш зарурати бор. Боиси маҳалла ўз хусусиятига кўра, етти кунлик иш ҳафтасида ишлашни тақозо этадиган вазиятлар бўлади. Шунга кўра, ходимларнинг ойлик маошига қўшимча устамалар белгиланиб, табелни олти кунлик иш ҳафтасида юритиш лозим.

Маҳалла масъулларини маҳалла бинолари билан боғлиқ вазият ҳам ташвишга солмоқда. Маълумотларга кўра, пойтахтдаги 16 та маҳалла ўз биносига эга эмас, улар турли ташкилотлар балансидаги биналарда фаолият юритади. Уюшма раиси бу борадаги ишларни тизимли ҳал этиш бўйича тегишли масъулларга топшириқ берди. Шу билан бирга, кадастри йўқ маҳалла биноларининг ҳужжатларини қисқа фурсатда ҳал этиб, фуқаролар йиғинларига етказиш вазифаси қўйилди.

Яна бир муҳим жиҳат: "Маҳалла бюджети" маблағидан "еттилик" қарори

асосида самарали фойдаланиш зарурлиги ўқтирилди. Аввало, солиқ йиғимларини туширишга эътиборли бўлиш кераклиги айтилиб, тегишли маҳалладан йиғилган солиқ суммасининг 10 фоизи тўлиқ ўша маҳалла ихтиёрига қайтарилиши таъкидланди. Маҳалла вакиллари бу маблағларни смета асосида, олдиндан режалаштириб, "маҳалла еттилиги" қарори билан фойдаланиши мумкин.

Оғриқли вазият: ҳали-ҳануз маҳалла раисларини тизимга тегишли бўлмаган йиғилишларга жалб этиш ҳолатлари учраб турибди. Уюшма раисининг қатъий таъкидлашича, Президент имзолаган тегишли ҳужжатлар билан маҳалла раисларини, ходимларини ўз фаолиятига тааллуқли бўлмаган мажлислар, йиғилишларга жалб этиш тақиқланган. Шундай экан, бу каби ҳолатлар юз берса, бевосита Уюшмани хабардор қилиш кераклиги айтилди.

Оқиб мулоқот қизғин савол-жавобларга бой бўлди. Маҳалла раислари ўзларини қизиқтирган, қийнаётган масалаларни тўла баён этган бўлса, Уюшма шундан келиб чиқиб, тегишли чора-тадбирларни амалга ошириши белгиланган. Умуман олганда, мулоқот ҳар икки томон учун ҳам самарали бўлди.

Санжар ИСМАТОВ.

## ИШЧИ ГУРУХ

# Мақсад аниқ, маслаклар бир, ҳаракатлар муштарак



Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Президентнинг "Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўлин сифатида ишлашни таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони ҳамда "Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси фаолиятини йўлга қўйиш ва маҳаллаларда бошқарув тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижроси юзасидан тушунтиришлар берилди.

Бухоро туманидаги "Боғикалон" маҳалласида ёшларга берилган экин ерлари кўздан кечирилди. Айтиш керакки, тумандаги 1 414 нафар ёшга 25 сотихдан жами 519 гектар ер ажратилди. Бу ерларга, асосан, полиз маҳсулотлари экин режалаштирилган. Йилида уч марта ҳосил олиб, ўртача 50-55 миллион сўм даромад топиш кўзда тутилган.

\*\*\*  
Навоий вилоятида Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси масъулларидан иборат ишчи гуруҳи ўрганишлар олиб бормоқда. Хусусан, Ҳозор шаҳри, Нурота ва Хатирчи туманларида аҳоли билан мулоқотлар олиб бориляпти. Унда "маҳалла еттилиги", аҳолининг томорқадан фойдаланиш маданияти, ёшларга ажратилаётган ер майдонлари кўздан кечирилмоқда.



Ғиждувон туманидаги Абдулла Қаҳҳор номли маҳаллада яшовчи кулол Нарзуллаевлар хонадонига таширф буюрилди.

## МАНЗАРА

# "Ҳамжихат бўлсак, бажариб бўлмайдиган вазифалар қолмайди"

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Акбарали ЭРҒАШЕВ, Зарбдор туманидаги "Лалмикор" маҳалласи раиси.

Маҳаллада резавор мевалар етиштириш бўйича ўқув майдони ташкил этилган. Бу ерда маймунжон, хўжағат, голубка кучатлари ўстирилиб, томорқаларда экилади. Хосилга киргач, экспортчилар сотиб олади. Президентимиз томорқа эгаларига бу меваларни сифатли етиштириш илмини ўргатиш муҳимлигини таъкидлади. Бу лойиҳани кенгайтириш, аҳолининг харид қобилиятини ошириш учун томорқа эгалари



Лидер тadbиркор – экспортчи учун ҳар бир маҳалла ихтисослашувидан келиб чиқиб томорқада 50 миллион сўм даромад қиладиган молиявий хизмат пакети ишлаб чиқилади.

билан банклар ўртасида ҳамкорликни самарали йўлга қўйиш топшириғи берилди. Айтиш керакки, таширф доирасида ўтказилган йиғилишда Жиззахда томорқаларни ишга солиш бўйича 309 та маҳаллага лидер тadbиркор – экспортчилар бириктирилиши белгиланди. Бу борада банклар уларга айланма учун 3 йил муддатга 1,5 миллиард сўмгача кредитлар ажратади, бюджет ҳисобидан агроном жалб қилиш, ўқитиш, маҳаллада йиғиш, сақлаш ва қуритиш пунктларини ташкил қилиш учун 1 миллиард сўмгача грантлар беради, хонадонларга Оилавий тadbиркорлик дастуридан 33 миллион сўмдан, "Бизнесга

биринчи қадам" дастуридан 17 миллион сўмдан кредит ажратади.

Мақсад аниқ – аҳолини ўз томорқасида банд қилиш, даромадини ошириш, ердан самарали фойдаланиш. Бу борада Президент "маҳалла еттилиги" вакилларига муҳим топшириқларни берди. Шундан келиб чиқиб, маҳалламизни янада обод қилиш, оилалар фаровонлигини таъминлаш, томорқадан тўрт марта ҳосил олишни таъминлаш, ишсизликка йўл қўймайлик борасида ўз олдимишга тегишли вазифаларни белгилаб олдик. Уйлайманки, ҳамжихатликда ишласак, биз уддалай олмайдиган юмуш, қила олмайдиган ишининг ўзи йўқ.

## ХАЛҚАРО ЛОЙИҲА

# 157 та маҳаллада янги ижтимоий объектлар қурилади

2024 йил 28 март куни «Ислоҳ Тараққиёт банки ширкати»да «Қишлоқ жойларни комплекс ривожлантириш» (2-босқич) лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирларини тўғрисида»ги Президент қарори имзоланди.

«Қишлоқ жойларни комплекс ривожлантириш» лойиҳасининг 2024-2028 йилларда Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларининг 21 та туманидаги 157 та маҳаллани қамраб оладиган иккинчи босқичи ишга туширилмоқда.

Янги лойиҳа доирасида йўл-транспорт инфратузилмаси, муҳандислик-коммуникация тармоқлари, электр таъминоти тизимларини такомиллаштириш, болалар боғчалари, мактаблар

ва қишлоқ поликлиникалари каби ижтимоий соҳа объектларини қуриш ва реконструкция қилиш кўзда тутилган. Шунингдек, тегишли яшил ва энергия тежамкор ҳамда рақамли ечимлардан фойдаланган ҳолда, қишлоқларни ривожлантириш режалари ишлаб чиқилади.

Лойиҳани амалга ошириш натижасида 622 мингдан зиёд қишлоқ аҳолисининг турмуш шароити яхшиланиши режалаштирилган.



Лойиҳанинг 2022 йилдан то ҳозирги кунгача амал қилаётган биринчи босқичида Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро ва Навоий вилоятларининг 20 та туманидаги 170 та маҳаллада объектларни қуриш ва таъмирлаш ишлари давом этмоқда.

## МЕНДА САВОЛ БОР...

— Шу вақтгача оилавий тadbиркорликни ривожлантириш мақсадида ҳоким ёрдамчиси тавсияси билан фуқароларга 33 миллион сўмгача кредит олишга кўмаклашардик. Айтишларича, эндиликда бу миқдор 100 миллион сўмгача оширди. Шу ҳақда тўлиқроқ маълумот берсангиз...

Хусниддин БОЗОРОВ, Деҳқонобод туманидаги "Оқиртма" маҳалласи раиси.

# Тadbиркорликка гаровсиз кредит бериладими?

Фаррух ЖўРАЕВ, Адлия вазирлиги масъул ходими:

— Президентнинг 2024 йил 2 апрелдаги «Оилавий тadbиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида аҳолининг бизнес ташаббусларини молиялаштиришни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан, бу йўналишдаги кредитлар ҳоким ёрдамчиси тавсияномаси асосида 33 миллиондан 100 миллион сўмгача гаровсиз ажратилиши белгиланди.

Хусусан, 1 апрелдан бошлаб оилавий тadbиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида ўзини ўзи банд қилган жисмоний шахсларга (асосий иш жойига эга шахслар бундан мустасно) 33 миллион сўмгача, бир йилдан сўнг ушбу қарз олувчининг тadbиркорлик фаолияти самарадорлиги, қарзининг мақсадли ишлатилгани ҳамда заруратга қараб, гуруҳ ка-

филлиги (камида 3 нафар фуқаро) билан қўшимча 50 миллион сўмгача револьвер асосида кредитлар ажратилади.

Қарорга кўра, кредитлардан томорқани ривожлантиришининг бир неча йўналишларида – паррандачилик, кўнчилик, чорвачилик, асаларчилик, балиқчилик ва ихчам иссиқхона учун фойдаланиш мумкин. Шу билан бирга, ер майдони 10 сотихдан ортиқ бўлган томорқа ер эгаларига ва ижарачиларга 50 миллион сўмгача гаровсиз кредит берилди. 10 сотихли ихчам иссиқхоналарни барпо этиш ва балиқчилик фаолиятини ташкил этиш мақсадида оилаларга 100 миллион сўмгача гаровсиз кредитлар ажратилади.

Оилавий тadbиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасидаги кредитлар 3 йилдан 4 йилгача муддатга, 6 ойдан 1 йилгача имтиёзли давр билан, йиллик 14 фоиз ставкада ажратилади.



**Буюк Британия ташқи ишлар, ҳамдўстлик ва тараққиёт масалалари бўйича давлат котиби ДЕВИД КЕМЕРОН Ўзбекистонга ташриф буюрди.**



**Муфтий ШАЙХ НУРИДДИН ХОЛИҚНАЗАР ҳазратлари Ислам олами уюшмаси Олий Кенгаши аъзолигига қабул қилинди.**



**«АФРОСИЁБ» электропоезди чипталари нархи 15 майдан бошлаб 20-40 фоизга қимматлайди.**

**ТОМОРҚА МАКТАБИ**

**ЎРГИМЧАККАНА ЭКИН УЧУН ХАТАРЛИ**



**Ўргимчаккана кўпгина қишлоқ хўжалик экинлари қаторида бодринга ҳам зарар келтиради. Кўзга деярли кўринмас бу зараркунанда (узунлиги 1 миллиметрдан кичик) ўзининг барча ривожланиш даврида экин учун хатарли.**

Личинкалари ҳам, етилган ўргимчаксимонлар ҳам ўсимлик тўқималарини тешиб, шарбати билан озикланади. Шу тўғрисида, аввал барглари майда оч доғ билан қопланади, ундан сўнг тўлиқ сарғайиб, қурийд ва тўқилади. Бундан ташқари, каналар бодринг ўсимлигини жуда ингичка бўлган шаффоф оқ ўргимчак тўри билан ўраб, фотосинтезга тўсқинлик қилади. Аввал баргларнинг пастки тарафида (бу ерда урғочилари тухум қўяди), ундан сўнг пояларида, гўнчаларида ва меваларида бу ҳол кузатилади. Шунингдек, каналарнинг ўсимликдаги тешган жойи одатда ўзлари ташийдиган бактериялар ва замбуруғли инфекциялар учун очик "дарвоза" бўлиб хизмат қилади.



Ўргимчакканаларнинг яшаши учун мақбул шароит уларнинг кўпайишига хизмат қилади. Улар ўзини яши ҳис қилиши учун +12 - 15°C даражасида ҳаво ҳарорати етарли бўлади. Бироқ куруқ (тахминан 30 фоизли намлик даражаси) ва иссиқ шароитда (+25°C дан юқори) янада фаол озикланиб, кўпаяди. Кузда, ҳаво ҳароратининг пасайиши билан ўргимчаккананинг уруғлантирилган (урчиган) урғочилари кейинги мавсумнинг бошида яна пайдо бўлиш учун иссиқхонанинг турли ёрик ва тешиқларига яширинади.

Бодрингдаги ўргимчакканадан қандай қутулиш мумкин? Бунинг учун аввало уни пайдо бўлишининг олдини олиш лозим. Доимий равишда экин барглари кўздан кечириб туриш керак. Иссиқда иссиқхонани етарлича ҳаволантирмаслик, ёзда сурғормаслик ҳавф омиллини оширади.

Икки хил усулда уни бартараф этиш мумкин. Бу — халқ усули ва кимёвий шакл. Аммо халқ усули етарлича қураша олмайди. Энг самаралиси Карбофос, Фуфанон, Акарин, Апполло, Тиовит-Джет, Демитан каби кимёвий дориларни қўллаш бўлиб қолмоқда.

**Ўзбекистон фермер, дехқон хўжалиқлари ва томорқа ер эгалари кенгаши маълумоти асосида тайёрланди.**

**МИНБАР**



**“Етиштирган маҳсулотни қайта ишлаш имкони йўқ”**

**Жасур МҲМИНОВ, Кармана туманидаги “Арабхона” маҳалласи ҳоким ёрдамчиси.**

Маҳалламизда ихтисослашув ва ички имкониятлар, меҳнат ресурсларини иноватга олган ҳолда тадбиркорликни ривожлантириш, бу орқали янги иш ўринлари яратишга катта эътибор берилмоқда. “Маҳалла етилиги” билан ўтказилган хатловда ҳар бир хонадон ўрганилиб, тадбиркорлик қилиш истагидаги фуқароларга амалий ёрдам берилмоқда.

Ўтган йилда имтиёзли кредит эвазига 40 дан ортиқ тадбиркорлик субъекти иш бошлаб, 100 та янги иш ўрни яратилгани сўзим исботдир. Тадбиркорлик субъектларининг 16 таси хизмат кўрсатиш, қолганлари ишлаб чиқариш, савдо йўналишига ихтисослашган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кичик бизнесни ривожлантиришни молиявий ва институционал қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига кўра, талабдорларга гаровсиз кредит ажратилиши тизими йўлга қўйилди. 2023 йилда 2 нафар аризага муддати 7 йиллик, имтиёзли даври 2 йилни ташкил қилувчи ана шу кредит тақдим этилди. Улардан бири Бахтигул Собирова бўлиб, имкониятдан фойдаланиб, кичик қандолатчилик цехи ташкил этди. Бу орқали ўзидан ташқари яна 3 нафар маҳалладошини иш билан таъминлади.

Мухтор Собиров имтиёзли кредит эвазига чорвачилик билан шуғулланишни йўлга қўйган. Бугун унинг қорамоллари сони 20 бошга етди. Бўрдоқчилик орқали туманга гўшт етказиб бераётган тадбиркор шу кунларда сут таъминотини йўлга қўймоқчи. Дастлаб бир ўзи билан бошлаган тадбиркорлик фаолияти кенгайиб, бугун 4 та янги иш ўрни яратди. Истеъмолчиларга ойига 1 тонна гўшт етказиб берапти.

Маҳалла хонадонлари ҳовлилардан иборат бўлгани учун томорқадан самарали фойдаланиш ва иссиқхоналар ташкил этишга алоҳида эътибор қаратяпмиз. Томорқачиликни ривожлантириш учун “Бир маҳалла — бир маҳсулот” тамойили асосида ихчам иссиқхоналар қуриляпти. Аҳмад Бобоқулов Бободехқон кўчасида истикомат қилади. Хонадон эгалари 10 сотихли томорқада 7 та иссиқхона ташкил этган. Бирида картошка, иккинчисида сабзи эрта кўк-ламдаёқ бозорга чиқарилмоқда. Йилига 3 маротаба ҳосил олинмоқда. Иссиқхона атрофига ток кўчатлари экилиб, узумчилик йўлга қўйилган. Бир йилда ўртача 80-100 миллион сўм даромад топмоқда. Худуддаги 705 та хонадоннинг аксари иссиқхоначилик билан шуғулланади. 2023 йилда 80 та хонадонда иссиқхона иш бошлаган бўлса, жорий йил уларнинг сонини икки баробарга оширишни кўзлаётимиз.

Тадбиркорликка тўсиқ бўлаётган муаммолар тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда ҳал этил-

моқда. Масалан, асосий “драйвер”имиз дехқончилик бўлгани учун худудда сабзавотларни сақлаш омбори ташкил қилишга эҳтиёж бор. Чунки етиштирилган маҳсулотни сақлаш учун жой йўқлиги муаммо бўлмоқда. Тегишли ташкилотлар кўмағида жорий йил маҳаллада сабзавотларни сақлаш омбори барпо этмоқчимиз.

Яна бир тақлим — дехқончиликда водий вилоятлари билан тажриба алмашишни йўлга қўйиш керак. Масалан, уста дехқонлар келиб, иш ўргатса, янада яхши бўлади. Бундан ташқари, дехқончиликда энг зарур бўлган сувни тежаш технологиясини жорий этиш лозим. Қайси маҳсулотни экса, фойда кўп олиниши бўйича мутахассислар ўрганиш олиб бориши ва шу асосида аҳолига тавсия бериши ҳосилдорликни оширади. Нафақат маҳаллий, балки халқаро бозордаги энг харидоригир қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини аниқлаб, шу асосида тавсия берилиши керак.

Қолаверса, етиштирилган маҳсулотни қайта ишлаш йўлга қўйилмаса, фойда кўнгилдагидек бўлмайди. Масалан, маҳалладошларимизнинг аксарияти сабзи экеди. Қайта ишлаш имкони йўқлиги учун арзонгаровга сотиб юборади. Шу маҳсулот ўзимизда қайта ишланса, даромад 3 баробар ошади. Маҳалла ихтисослашувидан келиб чиқиб, кичик завод қурилса, қишлоққа саноат кириб келади.



Маҳалла хонадонлари ҳовлилардан иборат бўлгани учун томорқадан самарали фойдаланиш ва иссиқхоналар ташкил этишга алоҳида эътибор қаратяпмиз. Томорқачиликни ривожлантириш учун “Бир маҳалла — бир маҳсулот” тамойили асосида ихчам иссиқхоналар қуриляпти.

**БУГУННИНГ ГАПИ**

**ЎЗБОШИМЧАЛИК БИЛАН ЭГАЛЛАНГАН ЕР ЎЗИНГИЗНИКИ БЎЛАДИ, АГАР...**

Ўзбошимчилик билан эгалланган ер участкасида рухсатномасиз қурилган уй-жойларга ишбатан мулк ҳуқуқини расмийлаштириш бўйича қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Урганчилар давомида 3,8 млн. дан ортиқ 493 минг гектар ер “эгасиз” тургани аниқланган. Ниҳоят, депутатлар қонун лойиҳасини моҳида-моҳида муҳокама қилиб, учинчи ўқишда қабул қилинди.

**Равшан МАМУТОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси раиси.**

Энди қандай имтиёз ёки қулайлик пайдо бўлди, деган савол кўпчилиكنи қизиқтириши табиий.

Маъзур қонун билан ўзбошимчилик билан эгаллаб олинган ер участкаларига ҳамда уларда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этишнинг аниқ тартиби белгиланмоқда.

Унга кўра, қуйидаги асослар эътироф этиш ҳуқуқларини вужудга келтиради:

— 2018 йил 1 майга қадар уй-жой қуриш орқали ўзбошимчилик билан эгаллаб олинган ер участкасига ҳамда унда қурилган бино ва иншоотлар;

— ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатларда кўрсатилган майдондан ортиқча эгалланган ер участкаси ҳамда унда қурилган бинолар ва иншоотлар;

— эътироф этиш мумкин, деб топилган, лекин 2018 йил ўтказилган бир марталик умумдавлат акциясида якунига етмаган ҳоллар;

— 2021 йил 8 июнга қадар туман (шаҳар) ҳокимларининг қарорлари билан ажратилган, лекин тасдиқлаш масаласи тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан ўз вақтида кўриб чиқилмаган ер участкалари;

— фуқароларнинг боғдорчилик ва узумчилик ширкатлари худудидидаги турар жойларига ҳамда улар эгаллаган ер участкаси;

— кичик саноат зоналари худудига жойлаштирилган тадбиркорлик субъектларининг яшаш учун мўлжалланмаган бинолари ва иншоотлари ёхуд уларнинг қисмлари жойлашган ер участкаси;

— хусусийлаштирилган бинолар ва иншоотлар эгаллаган ер участкаси;

— фуқароларнинг, яқна тартибдаги тадбиркорларнинг ва резидент бўлган юридик шахсларнинг қонунчиликка мувофиқ мулк (эгаллик қилиш) ҳуқуқи эътироф этилган бинолари ва иншоотлари эгаллаган ер участкаси.

Қонунда фуқаролар ўртасида ўзаро зиддият келиб чиқмаслиги, яшаш жойи уларнинг ҳаётига ҳавф солмаслиги учун ҳуқуқларни эътироф этишнинг шартлари белгиланмоқда. Яъни эътироф этилиши белгиланган ер бошқа шахсга ажратилмаган ёки аукционга чиқарилмаган бўлиши, ер участкасидан фойдаланишда ўзаро низо мавजूд эмаслиги, ер ва мол-мулк солиғи бўйича қарздорлик бўлмағлиги, тегишли муҳандислик-коммуникация тармоқларидан холи бўлиши, қурилиши тақиқланган муҳофаза зоналарида ёки суғориладиган ерда жойлашмаганлиги алоҳида назарда тутилди.



Агар ўзбошимчилик билан эгаллаб олинган ер участкаси суғориладиган ерда жойлашган бўлса, ҳуқуқларни эътироф этиш масаласи ер фондининг тоифаси қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ўзгартirilганидан кейин кўриб чиқилади.

Қонунда яқна тартибдаги уй-жойлар эгаллаган ерларга ижара ҳуқуқи 1998 йил 1 июлга қадар эгалланган бўлса — 0,24 гектаргача, 1998 йил 1 июлдан 2018 йил 1 май қўнига қадар эгалланган бўлса — Тошкент, Нукус шаҳарлари ҳамда вилоят марказларида 0,06 гектар, қолган ҳудудларда 0,12 гектардан ошмаган ҳажмда эътироф этилиши кўрсатиб ўтилмоқда. Яна бир афзаллиги фуқароларнинг ушбу ҳажмдан ортиқча ерлари уларнинг ўзига дехқон хўжалиги ёки томорқа хўжалиги юрйтиши учун расмийлаштириб берилади.

Қонуннинг яна бир муҳим жиҳати — унда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида бирмунча энгилликлар кўзда тутилган. Яъни ҳуқуқларни эътироф этишнинг учун бир марталик тўловлар фуқароларга оғирлик туғдирмайди. Шу мақсадда Тошкент шаҳрида — базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 баравари, Нукус шаҳри ва вилоят марказларида — БҲМнинг 3 баравари, вилоятлар бўйсунувидидаги бошқа шаҳарларда — БҲМнинг 2 баравари, бошқа аҳоли пунктларида — БҲМнинг 1 баравари миқдоридида белгиланмоқда. Аҳамиятлиси, I ва II гуруҳ ногиронлари, олдинги “акция” вақтида йғим тўлаган шахслар тўловдан озод қилинади, “Ижтимоий ҳимоя ағона реестри” ахборот тизимига киритилган шахсларга 50 фоиз чегирма берилади.

Фуқаролар ўзбошимчилик билан эгаллаган ерларини қонунийлаштириш учун ҳеч қаерга муурожаат этиши талаб қилинмайди. Аксинча, аҳолига энгиллик яратиш мақсадида кадастр агентлиги ҳокимликлар билан келишган ҳолда режа-жадвал ишлаб чиқади. Тумандаги мавжуд маҳалла фуқаролар йиғинлари кесимида йўқлама ўтказилади. Бу ҳақда аввалдан огоҳлантириб, эълон берилади. Кадастр агентлиги ходимлари ўзбошимчилик билан эгаллаган ер эгалари хонадонига бориб, ўлчов ишларини бажаради. Кимнинг уйда мулкка эгаллик ҳуқуқи бўлмаса, янги кадастр рақами берилади.



Сирдарё туманидаги "Аска Моторс" автозаводида "HYUNDAI" автомобиллари ишлаб чиқарилади.



Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев "ТЕЛЕФОНСИЗ МАКТАБ" лойиҳаси ғолибига 300 миллион сўм мукофот берди.



Жаҳон банкининг "Ўзбекистон бинолари учун тоза энергия" лойиҳаси доирасида 800 дан зиёд ижтимоий объект модернизация қилинади.

# Ёшларнинг қандай муаммоси бор?

**Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсати доирасида аниқ тизим яратилган. Барчасида бир мақсад мужассам — уларнинг муаммосига ечим топиш. Хўш, бугун ёшларни қандай муаммо қийнамоқда? Мақолада шу саволга жавоб излаб, маҳалладаги ёшлар етакчилари ўрганишлари асосида аниқланган муаммолар билан танишамиз.**

Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ.

Дастлабки суҳбатдошимиз Шеробод туманидаги "Баҳор" маҳалласи ёшлар етакчиси Набижон Алибоев. Унинг фикрича, охириги йилларда йигит-қизлар тадбиркорликка фаол жалб

қилинмоқда, талабгорларга имтиёзли шартлар асосида банк кредити ажратилапти. Ҳа, яхши, бироқ тадбиркорлик муайян билим ва укунни талаб қиладиган соҳа. Шу боис бизнес режа тузиш ёки бухгалтерия ҳисобини юритишни билмайдиган, бозор механизмлари билан яхши таниш бўлмаган инсонга сармоя беришдан фойда йўқ. Чунки у ишни барибир лозим даражада олиб кетолмайди. Муносиб иш тополмаганидан ўзини таваққалига тадбиркорликка уриш ҳолати кузатилади. Бу тўғри эмас. Афсуски, маҳалла ёшлари билан



суҳбатлашганимизда шу каби ҳолатга гувоҳ бўляпмиз. Айримлар аниқ мақсад, бизнес режа тузмаган, лекин имтиёзли кредит ёки субсидияга тикув машинаси, пайвандлаш ускунаси олишни сўрайди. Ўрганишларда аниқланишича, маблагдан самарали фойдаланмаётганлар кам эмас. Бошлаган тадбиркорлиги касодга учраш ҳолати бор. Таклифим — юртимизнинг барча ҳудудидида ёш тадбиркорлар учун профессионал консалтинг хизматини йўлга қўйиш керак. Ёшларни назарий ёки бизнес тренерлар эмас, балки тажрибали тадбиркорлар, банк ходимлари, ҳисобчи, маркетинглар ўқитсин, устозлик қилсин. Ўқиганлик ҳақида сертификат берилсин. Қолаверса, ҳудудимизда замонавий касблар, жумладан, IT соҳасини ўргатувчи ўқув марказга эҳтиёж бор. Тўғри, шаҳарда бундай курслар ишляпти, лекин масофа узқолиги муаммога сабаб бўлмоқда. Бундан ташқари, тадбир ва мусобақалар ўтказиш учун спорт майдони керак.

Ҳузур туманидаги "Янгиҳаёт" маҳалласи ёшлар етакчиси Азизжон Эргашев ҳудудга хос муаммолар ечими бўйича тўхталиб, маҳаллада спорт майдони бору, аммо зарур жиҳозлар йўқлиги урғу берди. Унинг фикрича, бу муаммо спорт турлари билан тўлақонли шуғулланишга тўсик бўлмоқда.



Яна бир масала — айрим ҳолларда аризани ижобий ҳал этишга ёшлар етакчисидида вақолат мавжуд эмас. Шу сабабли мурожаатлар ижобий ечим топмапти. Масалан, 2023 йилда Камолиддин Муҳаммадиев тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун ер ажратишни сўраб мурожаат қилган. Унга А-380 рақамли катта йўл юзидан сўраган

ерини олиш учун барча ташкилотларга мурожаат қилинган. Аммо натижа бўлмаган. Шу билан мурожаат ечимсиз қолиб кетган.

Маҳаллада йил бошида ўтказилган хатловда 11 нафар ишсиз аниқланган бўлса, бугунгача 5 нафари ишга жойланган. 6 нафари тавсия этилган ишларда ишлашни истамаган. Сабаби ойлик маош уларни қанқитирмаган. Шу боис ёшлар етакчиси таклифига кўра, маҳаллада янги иш ўринлари яратиш, юқори даромадли бизнес лойиҳаларни йўлга қўйиш керак.

Гувоҳ бўлганингиздек, ушбу мақолада муаммоларнинг ҳудудлар кесимида ўрганишга ҳаракат қилдик. Муҳими, бу лойиҳа яна давом этади ва келгуси сонларимизда бошқа вилоятдаги ёшлар етакчиларига минбар берамиз.

Хўш, сизнинг маҳаллангизда ёшларни қандай муаммолар қийнамоқда? Уни ечими бўйича таклифингиз бўлса, "uzmahallabot" манзилига ёзиб юборинг.

## "ЁШЛАР ДАФТАРИ" — ИМКОНЯТЛАР ЭШИГИ



Маҳалладаги ёшларни интеллектуал салоҳиятини ошириш мақсадида ҳар ҳафта "Заковат" турнири, "Ёш китобхон оила", "Ёш китобхон" танлови ўтказилади.

# Орзулардан мақсадлар сари

"Ибрат фарзандлари" лойиҳаси доирасида 250 нафар ёш қамраб олинди

Жаҳонгир АБДУЛЛАЕВ, Андижон туманидаги "Гумбаз" маҳалласи ёшлар етакчиси.

Маҳаллада 14-30 ёшлилар 1 073 нафар бўлиб, шундан, 487 нафари қизлар. 2023 йилги хатловда уларнинг 34 нафари "Ёшлар дафтари"га киритилди. Эътиборлиси, йил якунигача барчасига ёрдам кўрсатилди. Бундан ташқари, 48 нафар ишсиз ёшнинг бандлиги таъминланди. "Бир нурунийга — 10 нафар ёш" лойиҳаси доирасида кексаларнинг бой ҳаётий тажрибасини ёшларга етказиш мақсадида 6 нафар нурунийга 60 нафар ёш бириктирилди. Утган йили маҳалла ёшлари "Беш ташаббус олимпиадаси"нинг туман босқичида 15 та, вилоят босқичида 3 та фахрли ўринни қўлга киритди. Бу бежизмас. Сабаби уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш учун эркин кураш, оғир атлетика, футбол, киберспорт тўғарақлари ташкил этилган. Маҳалладаги ёшларни интеллектуал салоҳиятини ошириш мақсадида ҳар ҳафта "Заковат" турнири, "Ёш китобхон оила", "Ёш китобхон" танлови ўтказилади. "Ибрат фарзандлари" лойиҳаси доирасида 250 нафар ёш қамраб олинди.



Айниқса, ёшлар бандлигини таъминлаш, миграциядагиларни юртга қайтариш бўйича чора-тадбирлар натижасида 21 нафар ёш ватанга қайтди. Эҳтиёманд ва ишсиз ёшларни "Ёшлар дафтари"га рўйхатга олиб, зарур ёрдам кўрсатилди.

Улардан бири Муслима Нуриддинова бўлиб, қизиқшини даромадли касбга айлантиришда "Ёшлар дафтари" кўмак берди. Аввал мономарказда тикувчилик сирларини ўрганди. Тинимсиз меҳнат, изланиш ортидан бугун тикувчи бўлиш орузига етди. Мақсадлари катта, режалари илғирлигидан анча юқори. Унга "Ёшлар дафтари" орқали субсидия асосида тикув машиналари ажратилган. Янги ва сифатли ускуналар орқали буюртмалар сони ҳам кўпайди. Бу эса оила бюджетини 5 миллиондан 10 миллион сўмгача оширди.

Шу ўринда маҳалла ёшлари билан ишлаш самарадорлигини оширишга таклифим бор. Биринчиси, янги 2 қаватли маҳалла идораси қурилса, 1-қават "маҳалла етилиги" учун хизмат хоналари сифатида фойдаланилади. 2-қаватда ёшлар замонавий касблар, IT ва хорижий тилларга ўқитилади, қизлар учун тикувчилик хоналари ва кутубхона ташкил қилинади.

Иккинчи таклифим — маҳалла ҳудудидида кичик ўйингоҳ ва ёшлар дам олиш маскани қурилиши керак. Бунинг натижасида, маҳалладаги ёшларни спортга қизиқиши янада ортади, натижамиз яхшиланади.

## БИЛАСИЗМИ?

# Кимлар IT соҳасида бепул ўқишни мумкин?

"Рақамлаштириш соҳасида малакали мутахассислар тайёрлаш фаолиятини кўллаб қувватлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Президент қарориди рақамли технологиялар соҳасида замонавий билымлар олишни рағбатлантириш, ушбу йўналишда фаолият юритувчи ёш кадрларнинг хорижий тилларни билым кўшимчаларини ошириш, меҳнат бозориди IT-хизматлар экспортни соҳасида талаб юқори бўлган касбларга ўқишни, шунингдек, мазкур йўналишдаги нодавлат таълим ташкилотлари фаолиятини кўллаб қувватлаш белгиланган.



Нодирбек АБДУҚОДИРОВ, Ёшлар ишлари агентлиги ахборот хизмати раҳбари.

Қарорга асосан, 2024 йил 1 мартдан бошлаб нодавлат таълим ташкилотлари битирувчиси IT-хизматларни экспорт қилувчи ташкилотга ишга жойлашганда базавий ҳисоблаш миқдорининг 75 бараваригача, ногиронлиги бўлган ёш битирувчиси бундай ташкилотга ишга жойлашган ҳолларда эса 105 бараваригача бир марталик субсидия ажратиш тизими йўлга қўйилди. Бундан ташқари, халқаро IT-сертификатларга эга ёшларнинг ўқиш ҳамда ушбу сертификатларни олиш харажатларининг 60 фоизгача бўлган қисмини қоплаб бериш тартибига кўра, инглиз тилини билиш бўйича B2 ва ундан юқори даражадаги сертификатга эга бўлган ёшларнинг халқаро IT-сертификатлар олиш харажатлари тўлиқ қоплаб берилади. Яъни ўқув марказлари шунчаки ёшларни яхшилаб ўқитиб, кейин уларни ишга жойлаштириб, даромад қилиши мумкин.

Субсидия олиш ҳамда халқаро IT-сертификатларга эга ёшларнинг ўқиш ва ушбу сертификатларни олиш харажатларини қоплаб бериш бўйича давлат хизматлари Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали бепул кўрсатилади.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 01.02.2024 yil 91-son qaroriga asosan

**35,7 mln** сўм

Yoshlar bilan bog'lanish uchun IT-eksport sektoridagi davlat xizmatlari orqali yoshlarga bitta yil davomida ta'lim tashkilotlariga boshqariladigan mablag'ning 75 baravarigacha ko'pincha subsideya ajratiladi.

**25,5 mln** сўм

Misol uchun IT-eksport sektoridagi davlat xizmatlari orqali yoshlarga bitta yil davomida ta'lim tashkilotlariga boshqariladigan mablag'ning 75 baravarigacha ko'pincha subsideya ajratiladi.



**Жорий йилнинг биринчи чорагида хориждан пул ўтказмалари ҳажми 2,5 МИЛЛИАРД ДОЛЛАРни ташкил этган.**



**Марказий банк АСОСИЙ СТАВКАНИ йиллик 14 фоиз даражасида ўзгартириш қолдирди.**



**Мамлакатимизда ЎЗБЕКИСТОН – ФРАНЦИЯ Иқтисодий палатаси очилди.**

МАНЗАРА

# Маблағ бўлса, маҳалланинг “қўли калта” бўлмайди

**Олжас ИСАЕВ, Конимех туманидаги Учтепа овул фуқаролар йиғини раиси, “Дўстлик” ордени соҳиби.**

Вилоят марказидан қарий 250 километр олисда жойлашган-миз, кўшни Қозғистон билан чегарадошимиз. Худудда ўзбек, қорақалпоқ, қозоқ миллатига мансуб 2 263 нафар аҳоли истиқомат қилади. 2021 йилда “Обод қишлоқ” дастури доирасида бу ерда кенг кўламдаги ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Хозир кўчалар равиш, асфальтлаштирилган. Тиббиёт пункти, мактаб, боғча, турли савдо дўконлари фаолият кўрсатиб турибди. Аҳолининг турмуш даражасини янада яхшилаш борасида барча шароит ва қулайликлар яратиб берилган.

Тизимда беш йилдан буён фаолият юритаман. Очиги, “маҳалла еттилиги” тизими йўлга қўйилгани, раислар ва-

колати кенгайтирилиб, ходимларнинг давоматини юритиш, “еттилик”ни раббатлантириш ёки уларга интизомий жазо чораларини тайинлаш бўйича тақдимнома киритиш амалиёти жорий этилгани кўндан бери қўтилган аниқлик эди. Боиси айрим ҳолларда раисларга шунчаки “оқсоқол” сифатида қаралиб, амалда уларда ходимлар устидан назорат қилиш имкони йўқ эди. Оқибатда айрим йиғинларда ходимларнинг ўзаро мувофиқ ишлашида камчиликлар, жуда кўп такрорланишлар кузатилаётганди. Эндиликда бу ҳолатларга чек қўйилди.

Бизни энг қувонтирадигани маҳалла бюджети ташкил қилинганидир. Олдин байрамларда тadbirkorлардан ёрдам сўраб борардик, худуддаги муаммоларни мустақил ҳал этиш, йиғин ишида фаол иштирок этаётганларни рағбатлантириш, қийналган кишиларга моддий кўмак кўрсатиш борасида “қўлимиз калта”лик қилаётган вазиятлар кўп эди. Мана энди ўзимизда имконият

туғилдики, маҳалла бюджети орқали турли лойиҳалар, шунингдек, Наврўз сайилларига ўхшаган тadbirkorларни ташкил этиш, эҳтиёжмандларни қўллаб-қувватлаш.

Яна бир гап: маҳалланинг молиявий имкониятлари кенгайтирилиши унинг давлат ва жамият ҳаётидаги ўрни тан олинаётганининг яққол далили ҳамдир. Шундай экан, эндиликда фуқароларнинг тўй ва дафн маросимларига моддий ёрдам бериш, меҳнат фахрийларини сихатгоҳларга юбориш, соғлиқларини тиклашига кўмаклашиш каби ишларни маҳалла доирасида амалга ошириш фурсати келди, чамамда. Маҳалла ана шу ваколатларни амалга ошириши керак.

Яқинда “Mahalla” газетасида битта маълумотга кўзим тушиб қолди: 2023 йил давомида 49,2 мингта (!) оилавий ажралиш қайд этилибди. Оғрикли, шу билан бирга, кўнгилни хира қиладиган рақам... Шундай эмасми? Шукрки,

қишлоқ худуди бўлгани учунми, бизда ажралишлар деярли йўқ. Айрим ўринларда оилавий тортишувлар, тушунмовчиликлар бўлиб туради. Бироқ уларнинг аксариятини ажралиш даражасига олиб чиқмаймиз, овулнинг ўзида фаоллар билан биргаликда ҳал қиламиз. Бироқ шундай бўлса-да, бу масала доимо эътиборимиз марказида бўлиб қолаверади.

Бугун ажралишларга сабаб бўлаётган кишиларга турли жарималар қўллаш борасида фикрлар айтиляпти. Менимча, бу ўринда ота-оналар масъулиятини ошириш керак. Чунки ажрашман деган киши жаримани қандай бўлмасин тўлаш йўлини топади. Боиси бугунги келин-куёвлар гоҳида ёшлигига бориб, кичкина тортишув сабаб ажрашиш пайига тушишади. Лекин унга қатталар насиҳат қилса, ўрни келса, қаттиққўл бўлса, талаб қўйса, маҳалла фаоллари масала моҳиятини тўлиқ тушунира олма, муаммога ечим топиш мумкин.



СОЛИҚЧИ – КЎМАКЧИ



## Сайёр кассалар қўйилса, саргардонлик камаяди

**Аббос САЙДУЛЛОЕВ, Узун туманидаги “Дўстлик”, “Дугоб” ва “Томчи” маҳаллалари солиқ инспектори.**

Жорий йилнинг I-чорагида туманда белгиланган прогноз режаси 105,1 фоизга бажарилиб, давлат бюджетига 419,8 миллион сўм қўшимча маблағ йўналтирилди. 51 та маҳаллага бириктирилган солиқ инспекторларнинг хизмати катта. Менга бириктирилган маҳаллаларда 35 та тadbirkorлик субъекти, 18 та фермер хўжалиги, 47 та деҳқон хўжалиги, 10 та нодавлат нотижорат ташкилотлар ва 698 нафар ўзини ўзи банд қилган фуқаролар бор.

“Маҳалла еттилиги” таркибида иш бошлаганимдан сўнг, дастлабки ишимни тadbirkorлик фаолияти билан ноқонуний тарзда шуғулланаётган фуқаролар фаолиятини легallasштиришдан бошладим. Ишчи-ходимлар сонини яшираётган ёки камайтириб кўрсатаётган юридик шахслар билан ўтказилган профилактик сўбатлар натижасида 40 га яқин фуқаро билан меҳнат шартномалари тузилиб, қўшимча иш ўрни яратилишига эришилди.



Тadbirkorлар орасидаги тарғибот ва тушунириш ишлари давомида ҳар бир харидорга харид чекини бериш, солиқ ҳисоботларини ўз вақтида ва тўғри тақдим этиш, солиқ тўловларини белгиланган муддатларда амалга ошириш кераклигини тушунириб бораёلمан. Муаммоларни биргаликда ечишга, баъзан фаолиятларини янада кенгайтириш бўйича тавсия ва таклифлар беришга ҳаракат қилаёلمан. “Маҳалла еттилиги” ташаббуси билан 585 нафар аҳоли истиқомат қиладиган “Томчи” маҳалласига туман марказидан 27 км. масофада

сув қувурлари тортилиб, аҳолига тоза ичимлик сув етказиб берилди. Аҳолига бундай хайри ишларни амалга оширишда тўланаётган солиқларнинг аҳамияти, йиғилган солиқларнинг 10 фоизи маҳалла бюджетига йўналтирилиши ва фуқароларга муносиб турмуш шароити яратишга сарфланишини тушуниряёман.

Саъй-ҳаракатларимиз натижасида маҳаллаларда белгиланган прогноз режаси 111 фоизга бажарилиб, худуддаги тadbirkorлик субъектларининг товар айланмаси 117 фоизга оширилди.

**Муаммо шундаки,** аксарият фуқароларнинг фойдаланиб турган ер майдонларининг кадастр ҳужжатлари йўқ. Шу муаммо ҳал этилса, аҳолига ҳам, солиқ тушумига ҳам яхши бўлади.

**Таклиф:** ҳар бир маҳаллага ёки аҳоли яшаш пунктларига сайёр кассалар қўйилиши керак. Чунки баъзи маҳаллаларимиз туман марказидан 40-45 километр олисда. Масалан, 150-170 хўжалик яшайдиган “Дугоб” маҳалласига оддий машиналарда бориб бўлмайди. Интернет муаммо. Агар интернет бўлса, аҳоли телефонларига Солиқ иловасини юклаб олиб, солиқларни ўзлари тўлашарди.

БИЛАСИСМИ?

## Электрон аукционда иштирок этиш тартиби қандай?

Агар ер участкалари аҳоли пунктларининг бош режаларига, аҳоли пунктлари қисмларини батафсил режалаштириш лойиҳаларига ёки худудларни комплекс ривожлантириш ва режалаштириш бўйича бошқа ҳужжатларга, хусусан, мастер-режа талабларига ёхуд ер участкаларидан фойдаланишнинг рухсат берилган турларига мувофиқ бўлса, улар мулк ҳуқуқи асосида аукционга қўйилади. Шаҳарсозлик ҳужжатлари мавжуд бўлмаганда ёки унинг талабларига мос келмаган тақдирда, ер участкалари ижара ҳуқуқи асосида аукционга қўйилади.

Юридик ва жисмоний шахслар ер участкасини реализация қилиш бўйича аукционда Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибларга мувофиқ иштирок этади. Аукцион фойлиби аукцион натижалари тўғрисидаги баённома тушган кундан бошлаб, ижара шартномасини электрон рақамли имзо билан тасдиқлайди. Ижара шартномаси тарафлар томонидан имзолангандан сўнг, автоматик равишда «YERELEKTRON» ААТ орқали Давлат кадастрлари палатасининг худудий бошқармасига юборилади.

Давлат активларини бошқариш агентлигининг худудий бошқармаси аукцион савдоси натижалари тўғрисидаги баённомани олган кундан бошлаб, 1 иш кунини ичида белгиланган шаклда ер участкасига мулк ҳуқуқини берувчи давлат ордерини расмийлаштиради. Белгиланган шаклда ЭРИ билан тасдиқлайди ва аукцион фойлибининг шахсий кабинетига ҳамда «YERELEKTRON» ААТ орқали Давлат кадастрлари палатасининг худудий бошқармасига юборади.

Давлат кадастрлари палатасининг худудий бошқармаси ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш давлат ордери тушган кундан бошлаб амалга оширади. Кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг давлат реестридан ер участкасига мулк ҳуқуқи ёки ижара ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги кўчирма операторга «YERELEKTRON» ААТ орқали аукцион фойлибига белгиланган тартибда тақдим этиш учун 2 кун ичида юборилади.

Оператор ер участкасига бўлган ижара ёки мулк ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги кўчирмани олгандан сўнг автоматик тарзда уни фойлибига шахсий кабинетига юборади. Давлат кадастрлари палатасининг туман (шаҳар) филиали ва туман (шаҳар) қурилиш бўлими 3 иш кунини ичида ер участкаси чегараларини жойида (натурада) белгилайди ва ер участкасини натурада кўрсатади.

Бизнес-омбудсман

ЛОЙИҲА

## ҲАР БИР МАҲАЛЛАНИНГ КУТУБХОНАСИ БЎЛАДИМИ?

Вазирлар Маҳкамасининг “Маҳаллаларда аҳолига ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишни яхшилаш ҳамда хусусий кутубхоналарни ташкил этаётган ташаббускорларни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори лойиҳаси жамоатчилик муҳокамасига қўйилди.

**Сирожиддин ЙЎЛДОШЕВ, Китоб тумани адлия бўлими Давлат хизматлари маркази катта маслаҳатчиси.**

Сўнги йилларда аҳолига ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишнинг сифат жиҳатдан янги тизими яратилди, мамлакатимизнинг ҳар бир шаҳар ва туманида ахборот-кутубхона марказлари фаолияти йўлга қўйилди. Айни

пайтда республика бўйича 800 дан ортиқ маҳаллада кутубхоналар фаолият юритяпти, 60 нафарга яқин ташаббускор фуқаро хусусий кутубхона ташкил этган.

Қарор лойиҳасига кўра, 2025 йилдан бошлаб босқичма-босқич маҳалла кутубхоналари фаолияти йўлга қўйилади. Дастлабки босқичда маҳалла кутубхоналари туман (шаҳар) марказидан узоқ масофада жойлашган фуқаролар йиғинларида ташкил этилади. Кутубхоналарда ишларни юритишни маҳаллада фаолият кўрсатаётган ходимлар олиб боради.

Хусусий ва маҳалла кутубхоналарини ташкил этиш, уларнинг фаолият юритиш ҳамда жойларда аҳоли ўртасида китобхонлиқни тарғиб қилишда катта хисса қўшаётган фуқароларга “Ахборот-кутубхона аълочиси”, “Маънавият фидойиси” кўкрак нишонлари топширилади. 2024 йилдан бошлаб ҳар

йили “Йилнинг энг яхши хусусий кутубхонаси” ва “Йилнинг энг яхши маҳалла кутубхонаси” танловлари икки босқичда – худудий ҳамда республикаси даражасида ўтказилади. Танлов фойлиблари базавий ҳисоблаш миқдорининг 15 баробаридан 50 баробаригача пул мукофотлари билан тақдирланади.

Маҳалла кутубхоналари орқали хорижий ва маҳаллий электрон маълумотлар базаларидан фойдаланиш имконияти яратилади. Муассасаларни бутлаш учун янги адабиётлар ва даврий нашрларнинг тавсиявий рўйхати ишлаб чиқилиб, Ўзбекистон маҳаллалар уюшмасига тақдим этилади. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Ўзбекистон маҳаллалар уюшмаси билан биргаликда доимий равишда хусусий ва маҳалла кутубхоналари ҳисобини юритиб боради.

Ҳокимликлар хусусий кутубхоналарнинг

фойдаланиш майдонидан келиб чиқиб, китоб фондларини 100 тадан 1000 тагача янги адабиётлар билан тўлдирди, компьютер ва бошқа зарур жиҳозлар билан таъминлаш чораларини кўради. “Ёшлар учун минг китоб” лойиҳаси доирасида чоп этиладиган китоблардан ҳар бир хусусий кутубхона ва маҳалла кутубхонасига бир нусхадан бегараз ажратилади.

Қарор лойиҳаси билан “Маҳалла кутубхонаси тўғрисида”ги намунавий Низом тасдиқланади. Унга кўра, маҳалла кутубхонаси аҳолининг барча қатламига ахборот-кутубхона хизмати кўрсатувчи юридик макомга эга бўлмаган универсал ахборот-кутубхона муассасаси ҳисобланади. Унинг фаолиятига белгиланган тартибда маҳалла раиси лавозимга тайинладиган ва лавозимдан озод қиладиган кутубхона мудири раҳбарлик қилади.



«Ўзбекистон – Тожикистон ҳамдўстлик клиникаси»да бир йилда мингдан ортиқ ЖАРРОҲЛИК АМАЛИЁТИ ўтказилди.



Давлат бюджетига 2024 йилнинг биринчи чорагида 40,3 триллион сўмлик СОЛИҚ ТУШУМЛАРИ тушган.



Ўзбекистондаги 20 та бино МОДЕРНИЗМ ДАВРИ объекти мақомини олди.

СУД ҲУКМИ

## ХИЁНАТИ ҲАЁТИГА НУҚТА ҚҲЙДИ

Мақсадбек ҚҲЧҚОРОВ.

Сафарали дастлабки қилмиши учун 10 йил қамоқда ўтириб чиқди, лекин тегишли хулоса чиқармади. Яна бир жиноятга қўл урди. Бу галгиси бегона эмас, ўзининг турмуш ўртоғи.

Сафарали Санобар билан 1990 йил турмуш қуришган. Уч нафар фарзанди бор. Улар ўз вақтида маҳалладаги яхши оилалардан бири эди. Бироқ барчаси унинг қамоққа тушишидан сўнг бошланди. Гап шундаки, Сафарали жиноий жавобгарликка тортилиб, қамоқ жазосини ўтаётганида турмуш ўртоғи унга хиёнат қилиб, қўшиниси Чори билан ишқий муносабатлар ўрнатади. Қўшиниси Санобарнинг уйига тез-тез келиб, унга бўғдой, молларига ҳашак, ғўзапой ўтинлар бериб, қарашиб туради.

Сафарали қамоқдан чиққач, Россияга ишлашга кетади. 2022 йил Россиядан қайтгач, спиртли ичимликка ружу қўяди. Оқибатда эр-хотин жанжали кўпаяди. Жанжалнинг асосий сабаби, Россиядан келган вақтида турмуш ўртоғи Санобардан "Нима сабабдан менга хиёнат қилияпсан", деб бир неча марта сўраганида, у "Сиз билан бошқа яшамайман, ажрашаман", деб жавоб беради. Ундан "Нима сабабдан ашмайсан, нима камчилигинг бор, мен жўнатган пуллар қани?" деб сўраганида, Санобар шу маҳаллада вазият Чори исми шахс билан танишганини, у билан яшаш истаги борлигини, жўнатган пулларини ўзининг эҳтиёжлари учун ишлатганини айтган.

Сафарали тушмуш ўртоғининг унга хиёнат қилиб, у билан эр-хотинлик муносабатларига қиришмай қўйганидан ғазабланиб, ўзининг қасос олиш режасини тузади. Режага кўра, турмуш ўртоғи уйда ёлғиз қолиши керак эди. 2023 йил 29 август кунини шундай вазият юзага келди. Уёли Россияда, катта қизи 2013 йил турмушга чиққач, алоҳида ашайди. Уйда фатат келини ва кичкина қизи бор. Келин шу кунини ота-онанингига, қизи Термиз шаҳрига тикувчилик ҳеҳига ишга кетади.

Уйда эр-хотиндан бошқа ҳеч ким қолмаганлигига ишонч ҳосил қилгач, турмуш ўртоғи ёзги ошхонада тандирга ўт ёқаётган вақтида уни қасддан ўлдириб жиноий режасини амалга ошириш мақсадида унинг ёнига келиб, Санобардан жинсий яқинлик қилиш ҳақида яна бир марта сўрайди. Рад жавобини олгач, турмуш ўртоғининг кўкрак қафасига қўлини мушти билан уриб, беҳуш ҳолатга келтириб қўяди. Шундан сўнг хотинини шафқатсизлик билан ёниб турган тандир ичига тириклайин ташлаб, устидан ўтин ва бошқа ёниши мумкин бўлган буюмларни солиб, ташқарига чиқиб кетади. Мазкур жиноий режасини охиригача амалга ошириш мақсадида ошхонанинг эшигини ёпиб қўяди...

Суд тиббий экспертизасининг хулосасига кўра, С.Бозорованинг мурдаси танасида, яъни бош, юз, бўйин, кўкрак қафасининг барча юзаси, қорин, бел, иккала думба, жинсий аъзолари, оралик соҳа, иккала қўл ва оёқлар соҳасида 3-В ва 4-даражали тана юзасининг 100 фоиз термик куйган яралари каби тан жароҳатлари аниқланган. Улар юқори ҳарорат, яъни аланга таъсирида етказилган. Ушбу тан жароҳатлари оғирлик даражаси бўйича "Ҳаёт учун хавфли бўлган оғир" тан жароҳатлари бўлиб, унинг ўлими сабаби билан бевосита боғлиқлиги кўрсатилган.

Суд мажлисида сўроқ қилинган судланувчи Сафарали Кенжаев айбига тўлиқ иқрор бўлди. У Жиноят Кодексининг 97-моддаси 2-қисми "в", "ж" бандлари билан айбли деб топилиб, 19 йил озодликдан маҳрум қилинди.

Санобар хиёнат қўчасига кирмасдан, ўзга эркак билан ишқий муносабатда бўлмасдан, эрининг бошига тушган мусибатни биргалликда енгиб ўтганида, Сафарали ҳаётга тўғри қадам қўйганида бундай мудҳиш воқеалар содир бўлмади. Энг муҳими, фарзандларининг боши мулзам бўлиб қолмасди.



ПРОФИЛАКТИКА ҲУДУДИ

## Ҳудуд қачон жиноятчиликдан холи бўлади?

Сирож ПИРМЕТОВ,  
Зангиота туманидаги Аҳмад Яссавий номли маҳалла профилактика инспектори.

Зангиота туманидаги Аҳмад Яссавий номли маҳалла профилактика инспектори, капитан Сирож Пирметов "Намунали ҳуқуқ-тартибот маскани" кўрик-танловининг республика босқичида учинчи ўринни эгаллади. Хизматда фойдаланиш учун скутер ва вазирлик тасарруфидаги сихатгоҳларнинг бирида доволаниш учун бепул йўланма билан тақдирланди.

Маҳалла узоқ йиллар ўғрилиқ, безорилиқ, фирибгарлик каби жиноятлар сонининг кўплиги сабабли "қизил" тоифада бўлган. 2022 йил 10 та жиноят қайд этилган бўлса, ўтган йили 5 та жиноят содир этилган.

Йиғинда иш бошлагач, дастлабки фаолиятим маҳаллани жиноятдан холи ҳудудга айлантириш бўлди. Бунда маҳалла ходимлари ва фаол фуқаролар яқиндан кўмак берди. Натижада қисқа вақтда маҳаллани "яшил" ҳудудга айлантирдик.

Албатта, бу ўз-ўзидан бўлмади. Маҳаллани жиноятдан холи ҳудудга айлантириш мақсадида "жиноят ўчоқлари"га кузатув камералари ўрнатилиб, патруль-пост хизмати ходимлари иштирокида икки сменали патруллик йўналишлари ташкил этилди. "Хавфсиз хонадон" тизими асосида ҳудуддаги кўп қаватли уйлар кўриқлаш хизматига уланди. Тунги вақтларда мунтазам рейдлар ўтказилиб, рўй бериши мумкин бўлган кўнгилсизликларга барҳам берилди. Бундан ташқари, маҳалла ҳудудида жойлашган "Чигатой – Оқтепа" бозорида ўтказилган профилактика тадбирлар ҳам бесамар кетмади.

Жиноятчиликни жиловлашда зарур шарт-шароитлар яратилиши муҳим аҳамиятга эга. Шу боис маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган 135-сонли ҳуқуқ-тартибот маскани биноси ўтган йилнинг ноябрь ойида таъмирдан чиқарилиб, бу ерда профилактика инспектори билан биргаликда, маҳалла

## Дахлсизлик муҳим, бироқ у имтиёз эмас, масъулиятдир

Ижтимоий тармоқлардаги айрим ҳуқуқий каналларда судьялар (ва суд ходимлари)га нисбатан суд биноларида шахсий алоқа воситаларидан фойдаланишга чеклов жорий этилгани фаол муҳокама қилинмоқда. Муҳокамаларда мазкур тартиб судьялар дахлсизлиги ва мустақиллиги принципларига қанчалар тўғри келиши ҳам савол остига қўйилмоқда.

Дарҳақиқат, қонунга кўра ("Судлар тўғрисида"ги қонун, 64-модда), судьянинг шахси дахлсиз. Мазкур ҳуқуқ унинг турар жойи, хизмат хонаси, фойдаланадиган транспорт воситаси ва алоқа воситаларига ҳам тааллуқлидир. Бироқ муҳокама мавзусига айланган тартиб жорий этилишига сабаб бўлган омил ва эҳтиёжлар ҳамда уларнинг ҳуқуқий асосларига эътибор доир шубҳа ёки саволларга ўрин қолмайди.

Хусусан, барча судлар зарур алоқа воситалари билан таъминлангани инкор этиб бўлмас ҳақиқат. Жумладан, ҳар бир судья ва унинг ёрдамчилари, бошқа суд ходимларида хизмат телефонлари мавжуд. Шундан келиб чиқиб, иш пайтида шахсий алоқа воситаларидан фойдаланиш чекланмоқда, холос. Барча судларда хизмат компьютерлари жазон интернет тармоғига улангани инобатга олинса, судьялар ва суд ходимларида хизмат юзасидан алоқанинг бошқа воситаларидан ҳам фойдаланишида муаммо, шахсий алоқа воситасидан фойдаланишига эҳтиёж йўқлиги ойдинлашади.

Мазкур тартиб иш самарадорлигини янада оширишга хизмат қилади, дейиш баянларга эмас, балки тўппа-тўғри гап. Чунки, шахсий уяли телефон, ундан меъёридан ортиқ фойдаланиш ижтимоий тармоқларга қарамлики юзага келтиратгани, бундан

дан ҳеч ким муҳофаза этилмагани, аччиқ оқибати эса умумий фаолият самарадорлигига акс таъсир этиши эҳтимоли юқори экани бугун ҳеч кимга сир эмас. Шу ўринда фаолияти хусусиятидан келиб чиқиб, бундай чекловлар қатор давлат органларида мавжуд экани, шунингдек, илгор хориж давлатларида ҳам судьяларга нисбатан одил судловни амалга ошириш билан боғлиқ фаолиятдан қалғитувчи восита ва омиллардан (хизмат пайтида) фойдаланиш бўйича муайян чекловлар борлигини ёдга олиш ортиқчалик қилмайди.

Иккинчидан, "Судлар тўғрисида"ги қонунга биноан (62-модда), судьялар Судьялик одоби кодекси талабларига риоя этиши, суд ҳокимияти обрўсини, ўзининг беғаразлиги, холислиги ва адолатчилигига шубҳа туғдириши мумкин бўлган ҳар қандай хатти-ҳаракатдан тийилиши шарт.

Таассуфки, амалиётда айрим судьяларнинг процесс пайтида шахсий уяли телефони билан андармон бўлаётгани ҳақидаги эътирозлар учраб турибди, ҳатто шундай ҳолат ижтимоий тармоқларда эълон қилиниши ортидан Кенгаш ҳузуридаги Судьялар одоб комиссиясида муҳокама этилгани ҳам бор гап. Шунга кўра, жорий тартиб суд ҳокимияти обрўсини, судьяларнинг беғаразлиги, холислиги ва адолатчилигига шубҳа туғдириши мумкин бўлган ҳолатларнинг олдини олиш борасида қабул қилинган чора-тадбир ҳам ҳисобланади.

Пировардида, Судьялар олий кенгаши суд биноларида шахсий алоқа воситаларидан фойдаланишига нисбатан қўлланган чекловларни судьяларнинг дахлсизлиги ва мустақиллиги принципларига зид, деб ҳисобламайди.

Судьялар олий кенгаши матбуот хизмати.


еттилиги" учун зарур шароитлар яратилди. Айни пайтда ҳуқуқ-тартибот масканида яна учта, яъни "Бўстон", "Туропобод" ва "Истиклолнинг 5 йиллиги" маҳаллаларига хизмат кўрсатувчи профилактика инспекторлари, жиноят қидирув, пробаця хизмати ва хотин-қизлар масалалари билан шуғулланувчи ходимлар учун алоҳида хоналар мавжуд.

Маҳалла қачон жиноятчиликдан холи бўлади? Қачонки, ишсизлар бўлмаса, аҳоли даромади юқори бўлса. Шу боис "маҳалла еттилиги" билан ҳамкорликда йўналишларимиздан келиб чиқиб, аҳоли бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратаймиз. Натижада фойдали меҳнат билан банд бўлмаган 124 нафар фуқаро ишга жойлаштирилди.

Жиноятчиликка мойил бўлган шахслар ўртасида кенг қамровли профилактика тадбирлар ташкил этилмоқда. Бунинг самараси ўлароқ, содир этилиши муқаррар бўлган жиноятларга барҳам берилиб, қонунбузарликларнинг олди олинаётди. Маҳалла аҳли тинч ва осуда ҳаёт кечирмоқда. Айни пайтда икки нафар шахс қидирувда, пробаця ҳисобида 14 нафар маҳкум бўлса, низоли оилалар 11 та. 5 нафар фуқаро узоқ муддатга чет элга кетган.

Энг муҳими, ўтган йиллар мобайнида соҳага оид билим ва тажрибаларни пухта ўзлаштириб, хизмат фаолиятим давомида амалда қўллаб келяпман.

МУНОСАБАТ



Таассуфки, амалиётда айрим судьяларнинг процесс пайтида шахсий уяли телефони билан андармон бўлаётгани ҳақидаги эътирозлар учраб турибди, ҳатто шундай ҳолат ижтимоий тармоқларда эълон қилиниши ортидан Кенгаш ҳузуридаги Судьялар одоб комиссиясида муҳокама этилгани ҳам бор гап.



Пойтахт кўчаларида ҳарбий бўлинмаларнинг тантанали ПИЁДА ЮРИШЛАРИ ташкил этилди.



Ўзбекистон интеллектуал мулкнинг ҳуқуқий муҳофазаси бўйича АҚШнинг кузатувдаги давлатлар рўйхатидан (“қора рўйхат”) чиқарилди.



Ўзбекистоннинг доимий аҳолиси сони 37 МИЛЛИОН нафардан ошди.

# Меҳр кўнгилга малҳам, танга дармон бўлади



ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ



Мизроб Ашуров жамият ҳаётида янада фаол иштирок этиш имконига эга бўлди. У Пешку тумани “Чибогони” маҳалласида яшайди. 15 йилдан буён тумандаги 12-умумий ўрта таълим мактабида ҳуқуқ фанидан дарс бериб келади. 1996 йилда юз берган бахтсиз воқеа сабаб оёқларидан айрилган қаҳрамонимиз тақдиринг бу синовига шунчаки енгилмай, ҳаракат қилишда, илм излаб, келажак авлодга билим беришда давом этди. Меҳнатларнинг самараси ўлароқ, 2021 йилда “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аълочиси” нишони билан мукофотланди. У ҳамкасблари, ўқувчилари орасида катта ҳурмат-этиборга эга. Фақатгина йилда, ишга бориб-келиш, ўқувчиларга дарс беришда синф бўйлаб ҳаракатланиш қаҳрамонимиз учун қийинчилик туғдирарди. Туман “Инсон” ижтимоий хизматлари маркази Мизроб Ашуровга протез берганидан сўнг ҳаракатланиши анча осонлашди. Бу, албатта,

унинг иш фаолиятига ҳам ижобий таъсирини кўрсатди. Дарсларни замонавий методлар асосида ўзи истаганидек қизиқарли ва мазмунли ташкил этиш учун имкониятлари янада кенгайди. Аслида кимгадир кўрсатилган кичик эътибор ва кўмак ўша инсоннинг ҳаётини тубдан ўзгартириб юбориши мумкин. Атрофдагиларнинг меҳрини ҳис қилиш, қўллаб-қувватлаётганини кўриш билан унинг яшашга бўлган ишончи ҳамда қийинчиликларни енгиб ўтишига иродаси янада мустаҳкамланади. Фақатгина маҳалладаги ижтимоий ходим зийрақлик билан кимнинг нимага эҳтиёжи борлигини ўз вақтида пайкаб, керакли хизматларни кўрсата бўлгани.

Пешку тумани “Боғимус” маҳалласида ижтимоий хизматларни кўрсатувчи ходим сифатида фаолият юритиб келаётган Хондамир Хайруллаев ишини айнан мана шу ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолининг тақлиф ва муаммоларини ўрганишдан бошлади. Ўтган қисқа муддат ичида ижтимоий ходим бир неча оиланинг муаммосига ечим топишга, уларнинг дардига малҳам бўлишга улгурди. Хусусан, маҳалланинг Қособлар қишлоғида яшовчи Олим Ризаев 2-гурӯх ногирони, ҳозирда тўшакка миҳланиб қолган. Мазкур оилага ижтимоий ходим ташаббуси билан моддий ёрдам, бепул дори-дармонлар бериб келинмоқда. Шунингдек, Олим ақанинг ўғли, ногиронлиги бўлган Элшод Ризаев икки марта мураккаб юрак жарроҳлик амалиётини бошидан ўтказган бўлиб, доимий даволанишга муҳтож. Элшодга ҳам бепул даволаниши учун ордер олишда амалий кўмак берилди. Шу билан бир қаторда, Ўзбекисароб қишлоғидан Жалил ота Шамшиев яққа-ёғиз яшовчи кексалар рўйхатида туради. “Инсон” ижтимоий хизматлари марказидан унга ижтимоий ассистент ҳам бириктирилган. Ижтимоий ходим яқинда отани чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказиб, аниқланган ка-

салликлари бўйича туман шифохонасида стационар даволанишига кўмаклашди. Туманимиздаги 37 та маҳаллада 3 425 нафар ногиронлиги бўлган шахс истикомат қилади. Бундан ташқари, 4 829 нафар аҳоли ижтимоий ҳимояга муҳтожлар рўйхатига киритилган. Аини вақтда уларга 20 нафар ижтимоий ходим хизмат кўрсатиб келмоқда. Ишимиз жуда нозик, кўпроқ ҳаётда қийналган, руҳан тушкунликка тушиб қолган инсонлар қалбига йўл топишимиз, яшашга бўлган қизиқишини оширишимиз керак. Шунинг учун ходимларга кўядиган биринчи талабимиз — доим муомила маданиятига риоя қилиши бўлади. Буни турли учрашув ва семинар-тренингларда мунтазам равишда такрорлаймиз. “Мустақиллик” маҳалласи ижтимоий ходими иш бошлаган вақтда ҳудуддаги 158 та оилага болалар нафақаси ва моддий ёрдам пули тўланарди. “Маҳалла еттиклиги” билан бирга олиб борган ўрганишлари, аҳолини тадбиркорликка йўналтириши ҳамда ўзини ўзи банд қилиши орқали ҳозир бу фўқаролар сони 54 нафарни ташкил этмоқда. Тўрт ой давомида қилинган меҳнат ўзининг натижасини кўрсатди. Одамлар боқимандалик кайфиятидан чиқарилди, ўзининг меҳнат қилиб топган даромади нақадар баракали бўлишини тушуниб етди. Ижтимоий ходим қачонки ўзининг қасби ва қилаётган ишига меҳр кўйса, ўзгариш ва олдинга силжиш бўлади. Одамларга биздан кўп нарсас керак эмас. Айтайлик, яққа-ёғиз яшаётган инсонлар бор, уларни ёнига ўтириб 15-20 минут суҳбатлашсан, шундан боши кўкка етади. Анчадан буён қалбини тирнаётган изтиробрлардан халос бўлади. Юзига кулгу югуради, кўзлари меҳр билан порлашни бошлайди. Дунёда бир кўнгили яримини шод этишдан ортиқ бахт бўлмаса керак.

**Иньомжон ХАМРОЕВ,**  
Пешку тумани “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази директори.



САЛОМАТЛИК

Бола неча ёшда, қайси спорт тури билан шуғуллангани маъқул?

Барно ОДИЛОВА,  
Соғлиқни сақлаш вазирлиги бўлим бошлиғи.

Фарзандлар соғлом ўсиши учун уларнинг тўғри овқатланиши билан бирга, жисмоний фаоллиги муҳим аҳамиятга эга. Шу боис ота-оналар ўғил-қизлари учун спорт тўғрисида танлашда уларнинг ёши, бўйи, жисмоний имкониятлари, хоҳиши ва айниқса, мавжуд касалликларини инобатга олиши зарур. Хусусан, 3 ёшгача бўлган болалар билан фақат бадантарбия машқлари бажарилади. 4-5 ёшли ўғил-қизлари эса аввал гимнастик машғулотларда “тоблаб”, танасини чиниқтириш мақсада мувофиқ. Сабаби бу ёшдан кейин суякнинг қайишқоқлиги камайиб, бола кўпгина машқларни бажаришга қийналади. Инсоннинг асаб тизими асосан 5-6 ёшдан мустаҳкамлана бошлаши инобатга олсан, спорт билан шуғулланиш учун бу палла энг мақбул давр ҳисобланади. Чунки бола мураббий берган вазифаларни бажара оладиган ёшга етади. 6-8 ёшдан боланинг хоҳишига кўра инсталланган спорт тўғрисида бериш мумкин. Аммо бу даврда улар учун энг фойдаланиши — сузиш, бадий гимнастика ва футбол. Болаларда кўп учрайдиган сколиоз каби хавфли касалликларни 6-12 ёшгача сузиш, турникда машқлар бажариш ва енгил атлетика ёрдамида даволаш мумкин. Кўриш қобилияти паст ўғил-қизлар эса 9-11 ёшда стол теннис ва катта теннис билан фаол шуғулланиши лозим. Саломатлик учун барча спорт тури фойдали бўлса-да, улардан айримларини маълум даврларда чеклаш мақсада мувофиқ. Масалан, танасининг ривожланиши кечикаётган 12-14 ёш ораллигидаги ўғил-қизларга каратэ, таэквондо, дзюдо каби оғрик берувчи усулларга бой спорт турлари тавсия этилмайди. Акс ҳолда боланинг бўйи ўсмай қолиши мумкин. Худди шундай 9-12 ёшда оғир атлетика билан шуғулланиш ҳам маъқул эмас. Чунки бу болага “оғирлик” қилиб, буйраги атрофини ёғ қоплашига олиб келади.

## ОБУНАНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БЎЙИЧА ОММАВИЙ ОФЕРТА

1. «MAHALLA NASHRIYOT-MATBA'A UYI» МЧЖ (бундан кейин — “Тахририят” деб юритилади), қуйида тақлиф қилинган шартларни тўлалигича ва сўзсиз қабул қилишни билдирадиган шахс (бундан кейин — “Обуначи”) билан мазкур оммавий оферта шартларига мувофиқ 2024 йилда обуна шартномасини (бундан кейин — “Шартнома”) тузишга тайёр эканлигини билдиради. “Тахририят” ва “Обуначи” кейинги ўринларда “Тарафлар” деб номланади.
2. “Обуначи” мазкур “Шартнома” шартларини қабул қилган тақдирда, унинг иловасида келтирилган шакл бўйича тўлдирилган ҳамда унинг ажралмас қисми ҳисобланган бююртманома-акцепт (бундан кейин — “Акцепт”) жўнатилиши билан мазкур оммавий оферта шартлари бўйича обуна бўлишига розилиги ҳақида “Тахририят”ни хабардор қилади. “Акцепт”нинг барча устувлари тўлиқ, қисқарттирилмас, аниқ-равшан, босма ҳарфлар билан тўлдирилиши керак. “Акцепт” (97) 780-62-70 телеграм рақами орқали жўнатилиши ёки “Тахририят” жўялаган Тошкент ш., Мустақиллик шох кўчаси, 59-уй манзилга юборилиши мумкин. Факсимил ёзишмалар юридик кучга эга.
3. “Тахририят” 2024 йил учун “Акцепт”да кўрсатилган наشرларга обуна қилиш мажбуриятини, “Обуначи” эса уни расмийлаштириш ва тўлаш мажбуриятини олади.
4. Мазкур “Шартнома” “Тахририят” “Акцепт”ни олган вақтдан бошлаб тузилган ҳисобланади ва кучга кирди ҳамда “Тарафлар” томонидан унинг шартлари тўлиқ бажарилганига қадар амал қилади.
5. “Обуначи” обуна маблағларини “Тахририят” ҳисоб-рақамига (“Акцепт”га биноан белгиладиган тўловнинг умумий суммасини) пул ўтказиш йўли билан ҳақни юз фоиз (100%) олдидан тўлаш.
6. “Тахририят” ҳисоб-рақамига мазкур “Шартнома”нинг 5- ва 6-бандлари шартлари билан назарда тутилган пул маблағлари келиб тушганидан кейин, “Тахририят”да “Обуначи”дан келган “Акцепт” мавжуд бўлганида, мазкур “Шартнома” бўйича ўз мажбуриятларини бажаришга киришади.
7. “Тахририят” наشرларини манзили бўйича Маҳалалар уюшмасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари ҳамда туман (шаҳар) бўлимларига ёки “Обуначи” манзилга юк-ҳужжати(накладная) асосида етказиб беришни ташкил қилади. Наشرлар ўз вақтида ёки тўлиқ етказиб берилмаган тақдирда, “Обуначи” бу ҳақда “Тахририят”ни хабардор қилиши шарт.
8. “Обуначи” “Акцепт”да ўз манзилини нотўғри кўрсатган бўлса, наشرларни етказиб бериш юзасидан “Шартнома” шартлари бажарилмаганлиги учун “Тахририят” “Обуначи” олдидан жавобгар бўлмайди.
9. “Тарафлар” “Шартнома” шартларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун, агар бу “Шартнома” тузилганидан кейин, “Тарафлар” олдидан кўра олмаган, оқилона чоралар билан олддин ололмаган ҳақуқларда тусдаги воқеалар натижасида енгиб бўлмас куч ҳолатлари (форс-мажор) бошланиши оқибатида юз берган бўлса, жавобгар бўлмайди.
10. Мазкур “Шартнома”ни бажариш чоғида вужудга келадиган барча низо ва келишмовчиликларни “Тарафлар” музокаралар йўли билан, шу жумладан талабнома юбориш йўли билан ҳал этилади. Келишувга эришилмаган тақдирда низо суд тартибида ҳал этилади.
11. Мазкур оммавий офертанинг амал қилиш муддати — 2024 йил 31 декабргача.

### 12. ТАХРИРИЯТ РЕКВИЗИТЛАРИ:

«Mahalla» nashriyot-matba'a uyi» МЧЖ  
Манзил: Тошкент ш., Мустақиллик шох кўчаси 59-уй  
Хўр: 2020 8000 3001 9241 7001, АКБ «Гурунбанк» Бош офиси. МФО: 00446,  
ИНН: 201 534 659, ИФУТ: 58 130, ҚҚС тўловчисининг рўйхатдан ўтказиш коди: 326020011690  
Тел(факс): (71) 233-10-92, (71) 233-39-89, (97) 146 02 07

«Mahalla» nashriyot-matba'a uyi» МЧЖ  
Бош директори  
У. УБАЙДУЛЛОЕВА

## БЮЮРТМАНОМА-АКЦЕПТ

ИЛОВА

2024 йил «\_\_» \_\_\_\_\_

1. \_\_\_\_\_  
(Обуначининг тўлиқ ҳужжатлари ёки давлат рўйхатинан ўзининг суверенитетини муҳофаза қилиш ҳуқуқини таъминлаш мақсади билан)

\_\_\_\_\_ асосида амал қилувчи \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ (Обуначи асосидаги давлатнинг Ф.И.Ш. (тўғилган), унинг даволаши)

\_\_\_\_\_ ТИМСОЛИДА,

«Mahalla» газетасининг 2024 йил 27 апрелдаги 23 (2161)-сонидан эълон қилинган обунани ташкил этиш бўйича оммавий оферта шартларини тўлиқ ва сўзсиз қабул қилиши тўғрисида маълум қилади ҳамда 2024 йил учун қуйидаги наشرларга обуна бўлади:

№	Наشر номи	Формати, саҳифаси	Даврийлиги	Саккиз ойлик обуна баҳоси (ҚҚС билан)	Сони	Суммаси
1.	“Mahalla” газетаси	A2; 8 саҳифада	Ҳафтада 2 марта	550 000		
2.	“Mahalla ko'zgusi” журнали	A4, 64 саҳифада	Ҳар ойда бир марта	350 000		

2. Тўлаш учун умумий сумма ҚҚС билан \_\_\_\_\_ сўмини ташкил қилади.

3. Етказиб бериш учун манзил (босма ҳарфлар билан аниқ қилиб тўлдирилади):

\_\_\_\_\_

Почта индекси \_\_\_\_\_

Минтақа / Вилоят: \_\_\_\_\_, шаҳар/туман: \_\_\_\_\_

(Изоҳлар: маҳалла, қишлоқ, кўча, йўл, маҳалла, уй, ёш, хотин)

Мўлжал: \_\_\_\_\_

4. Боғлаш учун телефон: \_\_\_\_\_

5. Алоқа боғловчи шахс: \_\_\_\_\_

(Ф.И.Ш.)

Обуначи реквизитлари:

СТПР \_\_\_\_\_

ИФУТ \_\_\_\_\_

ҚҚС тўловчисининг рўйхатдан ўтказиш коди: \_\_\_\_\_

Почта манзили \_\_\_\_\_

Телефон \_\_\_\_\_

Хўр \_\_\_\_\_

Хизмат кўрсатувчи банк \_\_\_\_\_

Банк коди \_\_\_\_\_

М.Ў.

ЭСЛАТМА: Банк тўлов кассалари, пайнет тўлов шохобчалари, мобил иловалар ва шунга ўхшаш тўлов тизимлари орқали тўловни амалга оширганганида тўлов мақсадида **ТУМАН, ШАҲАР номи ва МФЙ номи** тўлиқ ёзилиши талаб этилади.

Масалан: “Нукус шаҳри, Гузар МФЙнинг “Mahalla” газетаси ва “Mahalla ko'zgusi” журнаliga 2024 йил обунаси учун маблағ ўтказилди”.



**Фарғоналик**  
36 нафар фахрий  
велоспортчи  
ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН  
сари йўлга  
чиқди.



**ИСРОИЛ МАДРИМОВ**  
вазн тоифасидан  
қатъи назар энг кучли  
боксчилардан бири  
Теренс Кроуфордга  
қарши рингга  
кўтарилди.



**ЭЛДОР ШОМУРОВОВ**  
«Кальяри»  
жамоасининг доимий  
аъзосига айланиши  
мумкин.

## БИЛАСИЗМИ?

БАНДЛИК  
УЧУН ГРАНТ  
АЖРАТИЛАДИ

Қонунчиликка кўра,  
маҳаллаларда  
хотин-қизларнинг  
бандлигини таъминлаш  
ва саломатлигини  
муштаҳкамлаш марказлари  
ташкил этилиши  
белгиланган.

Марказларда битта  
ижтимоий лойиҳа  
доирасида 20 нафаргача  
хотин-қизларнинг доимий  
бандлигини таъминлаш  
мақсадида бандлиги  
таъминланмаган ҳар бир  
нафар ишсиз хотин-қиз учун  
тадбиркорларга 3 миллион  
сўмгача давлат гранти  
ажратилади.

Давлат гранти қуйидаги  
тоифадаги хотин-  
қизларни касб-хунарга ва  
тадбиркорликка ўқитиш,  
уларнинг бандлигини  
таъминлаш ҳамда  
тадбиркорлик фаолиятини  
бошлашига кўмаклашишга  
қаратилган лойиҳалар учун  
ажратилади:

- «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри»га, шунингдек «Аёллар дафтари»га киритилган;
- ишсиз, айниқса, қишлоқ жойларда бола тарбияси билан шуғулланаётган;
- хорижий меҳнат миграциясидан қайтиб келган;
- ногиронлиги бўлган меҳнатга лаёқатли ишсиз;
- норасмий бандликини қисқартириш мақсадида кундалик меҳнат фаолияти билан шуғулланиб, даромад топаётган;
- одам савдосидан ҳамда таълим ва зўравонликдан жабр кўрган, мушкул иқтисодий аҳволга тушиб қолган;
- умумий ўрта ва профессионал таълим муассасаларини тугатган, олий таълим муассасасига ўқишга кира олмаган ёки олий таълимда ўқиш учун имконияти бўлмаган ишсиз хотин-қизлар;
- муқаддам жиноий жавобгарликка тортилган, профилактик рўйхатга олинган, жазони ижро этиш муассасаларидан қайтиб келган хотин-қизлар.

## МАНЗАРА



Аёлнинг оиласидан кўнгли тўқ, турмуш ўртоғи меҳрибон бўлса, энг қийин юмушларни ҳам уддасидан чиқади.

“Хотин-қизлар ҳолидан ҳаминша  
хабардормиз”

Агар оилалар тинч, одамлар тотув ҳаёт кечирса, маҳаллада ҳар кун эрта тонгдан одамлар кулиб қарши оلسа, кимнингдир мушуқли осон бўлишига ҳиссангиз қўшилса, қандай яхши. Саккиз йилдан буён шу тизимда фаолият юритиб келаётган бўлсам, маҳалладошларим яқин қариндошимдек бўлиб кетишган. Уларнинг хонадонига нафақат муаммосини ўрганиш, балки мириқиб суҳбатлашиш, кайфиятини янада кўтариш учун борамиз.

Бу даражага келгунча анча меҳнат қилишга, тер тўкишга тўғри келди. Одамларнинг хоҳиш-истакларини пухта ўрганиб, муаммоларига босқичма-босқич ечим топдик. Тўғри, ҳозир ҳам ҳал қилиниши керак бўлган долзарб масалалар чиқиб қолади, лекин аниқ иш режамиз бор. Ким билан қандай муомала қилишни биламиз.

Иш жараёнида кўпроқ эҳтиёжманд хонадонларга алоҳида эътибор қаратамиз. Улар бизнинг кўмагимизга муҳтож. «Маҳалла еттилиги» билан ҳамкорликда кимга нима кераклигига қараб, тўғри ҳокимлиги ҳамда ҳомийлар кўмағида барчасига ечим топишга ҳаракат қиламиз.

«Аёллар дафтари»га киритилган 70 нафар хотин-қиз билан бирма-бир суҳбатлашамиз. Шу кунга қадар ишсиз сифатида қайд этилган 27 нафар аёлнинг 15 нафарини Пахтакор туманида жойлашган тикувчилик корхонасига доимий ишга жойладик. 1 нафарини маҳалламиздаги жамоатчилик асосида ҳақ тўланадиган ишга қирришга ёрдамлашдик. Қолганлар субсидия олиш учун ариза билан мурожаат қилишган. Тез орада бу масалага ижобий ечим топилиб, кўпчилиги тикув машинасига эга бўлишди. Барчаси тикувчилик бўйича етарли билим ва кўникмага эга.

**Лайло ТОҒАЕВА,**  
Зафаробод туманидаги Чўлиғистон қишлоқ  
фуқаролар йиғини хотин-қизлар фаоли,  
“Соғлом турмуш” медали соҳибаси.

Дилафрўз Абдураҳмонова икки йилдан буён тикувчилик қилиб келади. 3 нафар хотин-қизни доимий бандлигини таъминлаган. Барчасида иштиёқ банд, меҳр билан кўрпача, кўйлак, аёлларга чопон тикяпти. Бир гуруҳ шоғирдлари учирма бўлди.

Утган йили 27 нафар хотин-қизни уй ҳамширалиги курсида ўқитдик. Ҳозир бемалол оила аъзоларига зарур тиббий хизматларни кўрсатяпти. 12 нафар аёлнинг пазандачилик бўйича билимларини оширишга ёрдам бердик. Айни вақтда маҳалламиздаги турли тадбир ва тўй-ҳашамлар учун салат ва ширинликлар тайёрлаб, яхшигина даромад топишяпти.

Маҳалламиз, асосан, деҳқончилик ва чорвачиликка ихтисослашган. Помидор, картошка, пивё ва саримсоқпиз каби маҳсулотлар етиштирилади. Хонадонларнинг 7-11 сотихдан томорқалари бор. Уларнинг 80 фоизи ердан унумли фойдаланади. Қолганларни ҳам кенг қамровда шу ишга жалб этишга қирришганмиз. Уларга мўл ҳосил олиб, яхши даромад топаётганларни ўртак қилиб кўрсатяпмиз. Кўни-қўш-ниларини намуна қилишимиз.

Инобат Тўраева 14 сотих томорқасига 2-3 қайта экин экади. Кўзда ерга қадалган саримсоқпизни эрта баҳорда пуллаб, ўрнига помидор қўчатларини ҳамда

картошка уруғларини қадайд. Сентабрда экилган қарамларни ноябргача йиғиб олади. Шу тарзда иши ҳам, даромади ҳам навбат билан келверади. Оиланинг 3 келини қайнонасининг доимий ёрдамчилари. Унча-мунча юмушни кўрди демайди. Ҳаммаси меҳнат билан улғайган қизлар.

Хонадониди 1-2 тадан соғин сигири бор аёллар анчагина. Уларнинг ҳам даромади тайин. 1 литр сутни 7 000 сўмдан сотади. Кунига ўртача 5 литрдан сут олганда, 45 000 сўм пул нақд дегани. Қолаверса, қатиқ, сузма, ёғ ҳамда курт маҳсулотларини тайёрлаб сотишади. Майли-да, бекор ўтиргандан кўра фойдали, рўзгорнинг қайсидир камини тўлдирди. Фарзандлари сут, қатиқ ичиб, соғлом ўсади.

Маҳалламиздаги 7 нафар аёл доимий равишда пиллалчилик билан шуғулланади. Фермерлар тарқатган ипак куртини 1 ой давомида парваришлаб, 4-5 миллион сўм атрофида фойда қилишади.

Аёлнинг оиласидан кўнгли тўқ, турмуш ўртоғи меҳрибон бўлса, энг қийин юмушларни ҳам уддасидан чиқади. Бунга тажрибада кўп бора гувоҳ бўлганман. Қалбни ўзини бахтли ҳис қилган инсон учун меҳнатнинг оғирлиги тушмайди.

Биргина хотин-қизлар фаоли бир вақтнинг ўзида худудидаги барча аёлларни ҳол-аҳволи ва муаммоларидан хабардор бўлиб туриши имконсиз. Шунинг учун ишда энгиллик яратиш мақсадида 15 нафар оқила аёллар ҳаракати аъзоларига суянаман. Уларнинг кўмағи билан ёрдамга муҳтож оилаларга тезроқ кириб боришига эришяпмиз. Жамоатчилик асосида, сидқидилдан ёрдам бераётган фаол хотин-қизларни мунтазам равишда рағбатлантириб, муқофотлаб боришга ҳаракат қиламиз.

## МАНЗАРА

## Бу сеники, бу меники, деган билан иш битмайди

Уларни ҳамкорлик йўли билан ҳал қилиш мумкин, холос

**Багила ИЛЬЯСОВА,**  
Чимбой туманидаги “Шахтемир”  
маҳалласи хотин-қизлар фаоли.

Маҳалла тизимида  
юрагида ўти бор  
одамлар ишлаши  
керак. Шунчаки  
ишга келиб-кетиб билан бирор  
натияжга эришиш қийин.

Худудида истиқомат қиладиган  
ҳар бир фуқаронинг тақдирига  
ўзининг яқин инсонидек  
қайғурсагина кўрсаткичлар  
яшланади, олдинга силжиш  
бўлади. Айниқса, хотин-қизлар  
масаласига бугун эътибор катта.  
Уларнинг бандлигини таъминлаш,  
касиб-хунарга ўқитиш ҳамда  
жамиятнинг фаол аъзосига  
айлантириш кун тартибидидаги  
долзарб масалалардан бири.

Шу маънода фаолиятимиз  
жараёнида кўпроқ аёллар билан  
суҳбатлашишга, қизиқиши ва  
истак-хоҳиш-ларини ўрганишга  
ҳаракат қилишимиз. Уларнинг ҳар  
бири алоҳида дунё. Кимдир уйда  
ўтириб, оиласи ва фарзандлари



**Венера Сатуллаева хизмат кўрсатиш йўналишида анчадан буён катта  
натияжларни қўлга киритиб келмоқда. Савдо шахобчалари, гўзаллик  
салони, чойхонаси ва новвойхона ташкил этиб, маҳалладошларимиз  
оғирини энгил қилиб келмоқда.**

ёнида бўлгани холда даромад  
топишни истаса, яна бошқаси

катта-катта режалар тузиб,  
тадбиркор бўлишни мақсад

қилган. Қалба туғилган ниятлар  
амалга ошиши, ҳеч кимнинг  
орзулари армонга айланмаслиги  
учун доимий изланишдамиз.

Жорий йилда хатловлар  
натияжисиди «Аёллар дафтари»га  
100 нафар аёлни рўйхатга  
олдик. Уларнинг 48 нафарини  
ишсизлар ташкил этади.  
Олдимиздаги асосий мақсад шу  
хотин-қизларнинг бандлигини  
таъминлашдан иборат. Ҳозирга  
қадар уларнинг 2 нафари  
касиб-хунарга ўқитилиб, янги  
иш бошлади. Яна 15 нафари  
айни вақтда туманимиздаги  
Мономарказда тикувчилик,  
сартарошлик, пазандалик  
йўналишларида тахсил олмақда.

Бундан ташқари, маҳалламиз  
туман марказида жойлашгани  
учун аёллар, асосан, савдо ва  
хизмат кўрсатиш йўналишларида  
фаолият олиб бормоқда. Ишлаб  
чиқариш соҳасида тадбиркорлик  
қилаётганлар ҳам анчагина.  
Хусусан, Гулнар Ақилбекова  
ширинлик пиширадиган корхона  
очган. 2022 йилдан буён

маҳалламизда 15 нафар аёлнинг  
доимий бандлигини таъминлаб  
келмоқда. 20 хилдаги печенёлар  
ўзимиздан ташқари, қўшни  
туманлардаги дўконларга сотувга  
чиқарилмоқда. Тадбиркорнинг  
йиллик даромади 330 миллион  
сўм сифатида совғалар улашади.

Кўриб турганингиздек,  
маҳалланинг битта тадбиркори  
қанчадан-қанча инсонларни  
мушуқлини осон қиладди. Уларнинг  
сафини кенгайтириш учун  
қанча ҳаракат қилсак арзийди.  
Шунинг учун озгина қизиқиши  
ва иқтидори бўлганларни  
эътибордан четда қолдирмай,  
қандай кўмак керак бўлса  
беришга тайёрмиз.

Венера Сатуллаева хизмат  
кўрсатиш йўналишида анчадан  
буён катта натияжларни қўлга  
киритиб келмоқда. Савдо  
шоҳобчалари, гўзаллик салони,

чойхона ва новвойхона ташкил  
этиб, маҳалладошларимизнинг  
оғирини энгил қилиб келмоқда.  
Умумий ҳисобда 37 нафар  
ишчилари бор. Бу ҳар ой шунча  
оила ўз эҳтиёжлари учун керакли  
маблагга эга бўляпти, вақтини  
самарали ва фойдали ишларга  
сарфлайпти, дегани.

Маҳалламиз аёлларининг  
кўпчилиги қуроқчиликка  
қизиқади. Буюртма асосида  
кўрпа, кўрпачалар тикишади.  
Қолаверса, доимий иш ўрнига  
эга бўлмаганлар хонадонлардаги  
кунлик юмушларни бажариб, пул  
топади.

Одамларнинг ўз турмушидан  
рози яшати, жамиятга фойдаси  
тегиши учун фаолиятимизда  
«маҳалла еттилиги»нинг  
ҳамкорлиги муҳим аҳамият  
касб этади. Зеро, ҳар кимнинг  
ўз вазифаси бўлишига қарамай,  
ҳал қилиниши керак бўлган  
масалалар бир-бири билан  
чамбарчас боғланган. Бу меники,  
бу сеники тарзда тақсимлаш  
билан муаммони ечиб бўлмайди.



Ўзбекистон маҳаллалари  
уюшмасининг ижтимоий-сиёсий,  
маънавий-маърифий газетаси

Бош муҳаррир:  
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ  
Дизайнер:  
Абдулазиз АҲМЕДОВ

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти Администрацияси  
ҳузуридаги Ахборот ва оммавий  
коммуникациялар  
агентлиги томонидан  
2019 йил 24 сентябрда  
0019 рақами билан  
давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «Mahalla» nashriyot-  
matbaa uyii» МЧЖ

Тахририят манзили:  
100192, Тошкент шаҳри  
Мустақиллик шоҳ кўчаси 59-уй.  
Телефонлар:  
71 233-39-89, 71 233-10-92.  
Нашр кўрсаткичи: 148

«Шарқ» НМАК  
босмахонасида чоп этилди.  
Босмахона манзили:  
Тошкент шаҳри  
Буюк Турон кўчаси 41-уй.



Ўлчами — 380x587, 4 б.т.  
4 470 нусхада чоп этилди.  
Буюртма №: Г-420

Газета тахририят компьютер  
марказида саҳифаланди ва  
офсет усулида босилди.